

т/р	Магистрлик диссертацияси иш бўлимлари	Бажарилиш муддати
	Кириш	
I- БОБ	Мамлакатимизда таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.	1.03.2014
1.1	Таълим хизматлари тушунчасининг моҳияти, мақсади ва таълим тарбия жараёнини ташкил этишда тутган ўрни.	17.04.2014
1.2	Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий асослари.	13.05.2014
1.3	Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини бошқариш органлари ва уларнинг ҳуқуқий меъёрий асослари.	07.11.2014
II- БОБ	Самарқанд вилоятида таълим хизматларининг бугунги ҳолати таҳлили ва уларни баҳолаш мезонлари.	05.02.2015
2.1	Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида таълим хизматларининг ҳолати.	13.03.2015
2.2	Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълими хизматлари ҳолатини баҳолаш.	31.03.2015
2.3	Олий таълим муассасаларида таълим хизматларининг бугунги ҳолати.	11.04.2015
III- БОБ	Самарқанд вилоятида таълим хизматларининг ривожлантириш истиқболлари.	15.04.2015
3.1	Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида таълим хизматларини ривожлантириш.	17.04.2015
3.2	Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълими хизматларини ривожлантириш истиқболлари	25.04.2015

3.3	Олий таълим муассасаларида таълим хизматларининг ривожлантириш йуллари.	16.05.2015
3.4	Мехнат хавфсизлиги	3.06.2015
	Хулоса ва таклифлар	11.06.2015
	Фойдаланилган адабиётлар	
	Иловалар	

Топшириқ берилган сана:

Тамомланган диссертация ишини топшириш муддати:

Диссертация иши раҳбари:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Топшириқни оловчи:

Н.У. Урунова

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқукида

Урунова Нозима Улмасовна

**“Самарканд вилоятида таълим хизматларини ҳолати ва уни
ривожлантириш тенденциялари**

5A230102 “Иқтисодиёт (хизматлар соҳаси)”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ

Иш кўриб чиқилди ва
ҳимояга тавсия этилди.
“Иқтисодиёт” кафедраси
мудирив.б., и.ф.н.,
доцент Ш.А.Султонов

Илмий раҳбар:
и.ф.н. профессор М.К. Пардаев

_____ « ____ » _____ 2015 й.

САМАРҚАНД – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРАҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факультет: “Магистратура” бўлими

Магистратура талабаси: Урунова Нозима Улмасовна

Кафедра: “Иқтисодиёт”

Илмий раҳбар: и.ф.н. профессор М.К. Пардаев

Ўқув йили: 2013 – 2015 ўқув йили

Мутахассислиги: 230102 - Иқтисодиёт

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикасидаги бозор ислохотларининг ўзига хос жихати уларнинг инсон тараққиётига қаратилганлигидир. Ҳозирги шароитдаги таълим мажмуини, кадрлар тайёрлаш кўп даражали тизимини ривожлантириш, бу борада янги концепцияни рўёбга чиқаришга, иқтисодиётда зарур силжишларни амалга оширишга, жумладан, асосий ишлаб чиқарувчи куч – инсоннинг иқтисодиётдаги ва ижтимоий соҳалардаги ўзгаришларга доимий мослашувини таъминлашга имкон беради.

Шу боис мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб сифатли кадрлар тайёрлашга асосланган ва жаҳондаги илғор давлатлар таълими тараққиёти тажрибаларига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш тизимини яратиш бугунги куннинг асосий вазифаларидан бирига айланган мазкур таълим тизимининг ичида маъно ва мазмун жихатидан янгидан пайдо бўлган, таъбир жоиз бўлса, дастурга янгилик бахш этиб турган тизим борки, у ҳам бўлса таълим тизимидир.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизация қилиш инновациялар тизимини ривожлантиришни талаб этади. Инновациялар эса билимларни эгаллаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш асосида яратилади. Шу

боис, мамлакатимизнинг ижтимоий иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ва унинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда таълим тизимининг ўрни бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Касб-хунар коллежларининг ўқув ишлаб чиқариш устахоналарини юксак технологиялар асосида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ва ўқув техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур”¹. Дарҳақиқат, таълим соҳасидаги амалга оширилган катта ўзгаришлар натижасида йилдан-йилга янги таълим муассасалари барпо этиляпти ва бир қанчаси замонавий тарзда реконструкция қилиняпти. Бизга маълумки, миллий иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар таълим хизматларига бўлган талабга таъсир этади. Ўз навбатида таълим хизматлари ушбу талабни миқдорий, тузилмавий ва сифат жиҳатидан қондира олиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Ушбу жараённинг барқарорлиги ва самарали бориши айнан таълим хизматлар иқтисодий муносабатларга рўй бераётган ўзгариш ва тенденцияларга қанчалик мослаштириб борилишига боғлиқдир. Буларнинг барчаси мазкур тадқиқот мавзуйининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганилиш даражасининг қиёсий таҳлили.

Таълим хизматлари ривожлантириш бўйича бир қанча хорижлик иқтисодчи олимлар А.Смит, Д.С. Миль, Й.Шумпетер, Г.Беккер ва бошқалар тадқиқ этган². Бозор иқтисодиёти шароитида таълим соҳасини давлат томонидан тартибга солишни, таълим соҳасида иқтисодий муносабатларни ўзига хос жиҳатлари С.А.Дятлов, Н.Литвинова, В.Шереметева, Т.Шамова, П.И.Третьяков, В.В.Глухов тадқиқотларида таҳлил этилган³.

¹ Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. Т.: “Ўзбекистон”, 2014.

² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. -М.: Соц.эк.гиз, 1935-234.с.; Миль Д.С. Основы политической экономии.-М.: Прогресс Т1-С.153; Шумпетер Й. Теория экономического развития.-М.: Новая волна, 1996.-С.317; Becker G. Human Capital.-N.Y. 1964 43.p.

³ Дятлов С.А. Экономика образования в условиях переходного периода. -СПб: СПТГУ,1995.-186.с.; Литвинова Н, Шереметева В. Маркетинг образовательных услуг-СПб Либеря, 1933-320.с.; Шамова Т., Третьяков П.И. Управление образовательными системами. –М.: Владос, 2001-319.с.; Экономика и организация управления вузом. /Под.ред.Глухова В.В./ - СПб: 1999-447.с.

Мазкур муаммонинг ташкилий, иқтисодий ва ҳукуқий механизмлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарларида ва маърузаларида атрофлича ёритилган.

Таълим соҳасини бошқариш, таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсири, таълим хизматлари бозорида маркетинг хизматларини такомиллаштириш билан боғлиқ муаммолар А.В.Вахабов, Ҳ.П.Абдулқосимов, С.С.Ғуломов, М.Х.Саидов, ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган ⁴ . Ушбу тадқиқотлар таълим хизматларини ривожлантиришнинг муаммоларини аниқлашда ва уларни ҳал этиш йўллариини белгилашда катта илмий аҳамиятга эгадир. Бироқ, улар томонидан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ўрта махсус ва касб ҳунари таълим тизимидаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган. Шунга кўра ушбу муаммо тадқиқот мавзуи сифатида танлаб олинди ва унинг долзарблигини белгилайди.

Тадқиқот мақсади. Таълим хизматларини ривожлантиришга қаратилган, илмий назарий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Илмий ишнинг мақсадидан келиб чиққан ҳолда унинг вазифалари қуйидагилардан иборат қилиб белгиланди:

- таълим хизматлари ривожлантиришни назарий асосларини ўрганиш;
- таълим хизматларини ривожлантириш бўйича жаҳон тажрибасини тадқиқ этиш ва улардан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;
- бозор иқтисодиёти шароитида таълим хизматларини ривожлантириш муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;
- таълим хизматларини ривожлантириш муносабатларни тадқиқ қилиш асосида ўрта махсус, касб-ҳунари таълим тизимининг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш даражасини аниқлаш;

⁴ Вахабов А.В., Имамов Э., Солеев А., Туляходжаева М., Хусанова Н. Высшее образование в Центральной Азии. Задачи модернизации.-Т.2007-214.с.; Абдулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари.-Т.:ТМИ 2005-196б., Ғуломов С.С. Образование в Узбекистане, день сегодняшний.-М.: Алма-матер, 2001.; Саидов М.Х. Экономика, инвестиции и маркетинг высшего образования:-Т.: Молия, 2002-332 с.

-иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида таълим хизматлари ривожлантириш муносабатларни такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш;

-таълим хизматлари ривожлантириш муносабатларни такомиллаштириш бўйича илмий ва амалий таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Самарқанд вилоятидаги таълим муассасалари хизматлари қилади.

Тадқиқот предмети. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматларини ривожлантириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Тадқиқотнинг назарий аҳамияти. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида “Иқтисодиёт назарияси”, “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти” ва “Таълим менежменти ва иқтисодиёти” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот услубияти ва услублари: Диссертация ишининг методологик асоси бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг асарлари, мамлакатимиз иқтисодчиларининг назариялари ҳамда илмий мақола ва асарлари хизмат қилди.

Диссертацияда Ўзбекистон Республикасининг ушбу муаммога алоқадор қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг фармойишлари ва қарорлари, кадрлар тайёрлаш миллий дастури Самарқанд халқ таълими бошқармаси, Самарқанд ўрта махсус касб хунар бош бошқармаси, иқтисодиёт бош бошқармаси ва вилоят статистика бошқармаси маълумотлари ва ҳужжатларидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти: иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида хизматлар соҳасини ривожлантириш шу ўринда таълим хизматларини янада ривожлантириш муаммолари илмий ишланмаларидан иборат. Бу жараёнда олинган натижалар

мамкатимизда таълим хизматларидан фойдаланувчилар сонини ошириш ва таълим хизматларини ривожлантиришда фойдаланиш

Тадқиқотнинг илмий янгилиги :

- таълим хизматларини ривожлантириш муносабатлари тизимидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

- таълим хизматларини ривожлантириш муносабатларни такомиллаштиришни мақсадида хорижий мамлакатларнинг тажрибасидан фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

- таълим хизматларини ривожлантиришдаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларни такомиллаштиришга қаратилган амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти. Диссертация ишида берилган таклифлар амалий жиҳатдан Ўзбекистонда ва Самарқанд вилояти таълим тизимида таълим хизматларини ҳолатига ва уларни ривожлантириш истикболларига тусик бўлаётган муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий ва амалий ишларни амалга оширишга ва ташкиллаштиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади деган умиддаман.

Тадқиқот ишининг апробацияси. Мазкур диссертация иши юзасидан муаллиф томонидан 2 та макола чоп этилди ва илмий – амалий анжуманларда маъруза килинди.

Диссертация ишининг таркибий тўзилиши. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган жадвал, расм, чизма, адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб..... бетдан иборат.

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, унинг мақсад ва вазифалари, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, предмети ва объекти, унинг услубий ва назарий асослари, илмий-амалий аҳамияти, ҳимоя учун олиб чиқиладиган масалалар, ҳажми, таркиби ҳақидаги маълумотлар берилган.

Биринчи боб. “Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий ва ҳуқуқий асослари” деб номланди. Бунда таълим хизматлари тушунчасининг моҳияти, мақсади ва таълим тарбия

жараёнини ташкил этишда тутган ўрни, Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий асослари ҳамда Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини бошқариш органлари ва уларнинг ҳукукий меъёрий асослари урганилган.

Иккинчи боб. “Самарқанд вилоятида таълим хизматларининг бугунги ҳолати таҳлили ва уларни баҳолаш мезонлари” деб номланган ва бундаги режалар мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида таълим хизматларининг ҳолати, академик литцей ва касб-хунар коллежларида таълим хизматларининг бугунги ҳолати ва олий таълим муассасаларида таълим хизматларининг бугунги ҳолати ўрганилган ва таҳлил қилинган.

Учинчи боб. “Самарқанд вилоятида таълим хизматларини ривожлантириш истиқболлари” кўрсатиб ўтилган ва бу бобда олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари. Академик литцей ва касб-хунар коллежларида таълим хизматларини ривожлантириш истиқболлари ҳамда мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида таълим хизматларини ривожлантириш йулларини аниқлаш ҳақида таклиф ва тавсиялар берилган.

Диссертациянинг хулоса ва таклифлар қисмида - изланишларни умумлаштириб, якуний фикрлар, таклифлар келтирилган.

The summary - each business or activity is carried out by intelligence of the person, in growth of economy the qualified personnel plays an important role. The qualified education system in the country, training and education are connected with establishment of direct services. In the thesis are reflected in the field of prospects Samarkand for a development of education in an education system.

Keywords - employees, the competition, economy, education, service, development, and future, preschool education, secondary education, professional and schools of sciences, system of the higher education.

Аннотация - каждый бизнес или деятельность осуществляется интеллектом человека в росте экономики квалифицированный персонал играет важную роль. Квалифицированная система образования в стране, обучение и образование связаны с установлением прямых услуг. В диссертации отражены в области перспектив Самаркандской для развития образования в системе образования.

Ключевые слова - сотрудники, конкуренция, экономика, образование, обслуживание, разработка, и будущие, дошкольное образование, среднее образование, профессионально-технических и научных школ, система высшего образования.

Аннотация – Ҳар бир иш ёки фаолият инсон ақлу заковати билан амалга оширилади. Иқтисодиётнинг ўсиши эса малакали мутахассис кадрлар кўлидадир. Яхши малакали кадрлар тайёрлаш мамлакатнинг таълим тизими ва таълим хизматларини тўғри ташкил этиш билан боғлиқдир. Ушбу диссертацияда Самарқанд вилояти таълим тизимида таълим хизматларини ривожлантириш истиқболлари ёритилган.

Калит сўзлар - кадр, мутахассис, рақобат, иқтисодиёт, таълим, хизмат кўрсатиш, ривожлантириш, истиқбол, мактабгача таълим, умумтаълим, мактабдан ташқари таълим, касб-хунар ва академик лицей, олий таълим тизими.

Илмий раҳбар

(имзо)

Магистратура талабаси

(имзо)

1-БОБ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Таълим хизматлари тушунчасининг моҳияти, мақсади ва таълим тарбия жараёнини ташкил этишда тутган ўрни.

Таълим хизматлари деганда, инсонинг давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган, узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ эгаларининг онгли фаолияти тушунилади.

Маълумки, инсон омили ишлаб чиқариш ресурслари орасида асосий бўлиб ҳисобланади. Чунки, бошқа барча омиллар, унинг бевосита таъсири ва фаол иштирокида ҳаракат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим соҳасининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни унинг ривожланиши билан ўзгариб боради. Хусусан П.Дракернинг фикрича, ҳозирги даврда «билимлар капитал ва ишчи кучини четга суриб, ишлаб чиқаришнинг етакчи омилига айланмоқда»⁵.

Бериладиган билимлардаги ўзгаришларга мос равишда турли даврларда иқтисодчи олимлар таълим хизматлари тизимининг микро ва макроиқтисодий даражаларида тутган ўрнини, унинг иқтисодий жиҳатларини тадқиқ этганлар. Фикримизча, таълим хизматлари соҳаси ривожланишининг назарий асосларини икки даврга ажратган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи давр, XVII аср бошидан XX – асрнинг 60-йилларигача, иккинчи давр, – XX асрнинг 60-йилларидан ҳозирги вақтгача бўлиши мумкин.

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб тараққий этган мамлакатлар постиндустриал ахборот даврига ўта бошладилар. Шу даврдан бошлаб аста-секинлик билан инсоният цивилизациясида туб ўзгаришлар рўй берди.

⁵ Дракер П. Посткапиталистическое общество // Экономика XXI века – Москва, 1999. - № 11 – С. 3-4

Хусусан, иқтисодиётда билимлар аҳамиятининг ошиши натижада инсоннинг биосоциал табиатини ўзгартира оладиган янги технологияларнинг кашф этилиши, глобал ахборот маконининг институциялашиши, ҳар бир шахснинг жамғарилган ахборотлар ва билимларга эркин кириб фойдалана олиши, глобаллашув шароитида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ўзига хослиги, иқтисодий ўсишга ахборот ва технологик тараққиётга таъсири кучайиб бораётганлигида ифодаланади. Натижада, умумий иқтисодий ўсиш назариясининг таркибий қисми сифати «янги иқтисодиёт» назарияси шакллана бошланади.

Ҳозирги даврда таълим хизматлари тизимида ташкилий қайта кўришнинг назарий асосини ресурсларга боғлиқлик назарияси ва неоинституционал назария ташкил этади⁶. Биринчи назарияга мувофиқ ташкилот фаолиятининг самарадорлиги унинг ресурсларга мослашиши лаёқатига эга эканлигига боғлиқ. Унга мувофиқ, ташқи муҳитдаги ўзгаришларга иқтисодий оқилоналик орқали мослашиш лозим.

Бизнинг фикримизча, таълим хизматлари тизимини ривожлантириш борасида ҳар бир мамлакат ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, ўзига хос хусусиятлари ва анъаналари асосида мазкур тизимда бозор ва давлат томонидан тартибга солиш механизми ўртасида мақсадга мувофиқ нисбатни топиши лозим.

Ҳозирги даврда таълим хизматларини ташкил этишнинг анъанавий ва янгича қарашлари ишлаб чиқилган. Уларнинг таълим жараёни таркибий қисмлари бўйича қиёсий таҳлили, биринчидан, улар ўртасида принципиал фарқлар мавжуд эканлиги, иккинчидан эса ҳозирги даврда таълимда янгича қарашларни шакллантириш долзарб масала эканлигини кўрсатди.

⁶ Организационные сдвиги в сфере высшего образования: теоретический аспект.// Экономика образования. – Москва, 2004. - № 2 – С. 65

Таълим хизматларининг анъанавий ва янгича қарашларини қиёслаш⁷

Таълим жараёни таркибий қисмлари	Анъанавий қарашлар	Янгича қарашлар
Илмий қадриятлар	Фанни абсолютлаш, илмий ационализмнинг классик турига асосланиши унинг моҳиятини ташкил этади	Илмий рационализмнинг янги классик ва ундан кейинги тури устунлик қилади. Унда илмий билимлар инсонлар фаолиятини ижтимоий шароитлари ва ижтимоий оқибат-лари нуктаи назаридан кўриб чиқилади
Таълим хизматларининг мақсади	Ўтган даврнинг маданий тажрибасини бериш	Келажакда бунёдкорлик фаолиятининг кўринишини шакллантириш
Мувофиқлаштириш тамойиллари	Фанларни ўқитиш асосида ташкил этилган фанлар блоклари, кафедра ва ўқитувчилар алоҳидалашган	Фанлараро ўқитиш асосида ташкил этилган; тизимли фикрлаш инсонларнинг табиат, техника жамият қонуниятларини яхлит ҳолда ўзлаштириши
Воситалар	Кўпроқ тайёр билимлар ва масалалар ечимини беришга йўналтирилган таълим бериш восита ва усулларига асосланган. Улар бир маъноли бўлиб олдиндан ўқитувчиларга маълум бўлади	Билим бериш восита ва усуллари ижодий бунёдкор фаолият методологиясини ўзлаштириш, шахснинг инновацион қобилиятининг ўқитув-чи билмаган нарсаларни яратишга йўналтирилганлиги

⁷ Набиев Э.Г. Сфера услуг в национальном воспроизводстве (теоритические, методлогические основы) – Т.: ТГЭУ, 1993. 18 б.

Ўзбекистон Республикасида таълим хизматлари тизимини рўй бераётган ўзгаришларга мос равишда шакллантиришнинг объектив зарурияти, аввало айнан таълим хизматлари тизимининг салоҳиятидан кенг фойдаланиш ва унинг қанчалик самарали фаолият юритишига, бу тизимнинг халқаро меъёрлар даражасига мос келишига боғлиқдир.

Республикамизда ялпи ички маҳсулотнинг 12% таълим соҳасига йўналтирилади, чунки таълим хизматлари давлат ривожланишининг асосий тамойилларидан биридир. Шунинг учун ҳам, «Таълим хизматлари» бўлими ижтимоий соҳанинг асосий бўлимларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг таълим тизими қуйидагилардан иборат:

- давлат таълим стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизими ишлаши ва ривожланиши учун керакли тадқиқот ишларини олиб боровчи илмий-педагогик ташкилотлар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари шунингдек улар бошқаруви остидаги корхона, муассаса ва ташкилотлар.

Ўзбекистон Республикаси таълим хизматлари тизими ягона ва яхлитдир.

Ўзбекистон Республикасида таълим хизматлари қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- мактабгача таълим хизматлари;
- умумий ўрта таълим хизматлари;
- мактабдан ташқари таълим хизматлари;
- ўрта махсус касб-ҳунар таълими хизматлари;
- олий таълим хизматлари;
- олий таълимдан кейинги таълим хизматлари;
- малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш.

Ўзбекистон Республикасида таълим турлари



Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг мақсади доимо ўсиб, ўзгариб боровчи эҳтиёжларни қондиришдан иборат. Пировард натижада худди шу ҳолат унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлайди. Такрор ишлаб чиқариш назарияси жамиятда рўй берадиган умумий иқтисодий жараёнларни товарлар ва хизматларнинг доимо янгиланиши, кенгайиши ва сифатининг ошиши билан ўзаро алоқадорликда кўриб чиқади. Инсоннинг эҳтиёжлари доимий эмас, улар инсон цивилизацияси таъсирида ўзгариб боради. Бу айниқса иккиламчи эҳтиёжларга хос. Таълимга бўлган эҳтиёжлар шу гуруҳ эҳтиёжлари сирасига киради. Шу нуқтаи назардан билимларга асосланган «янги иқтисодиётда» таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларнинг ўрни ва аҳамиятининг ўзгариши табиийдир.

Таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларни шартли равишда якка (индивидуал), корпоратив ва ижтимоий гуруҳларга бўлиш мумкин.

Табиийки улар ўзаро алоқадорликда бўлиб, таълим хизматларига бўлган яхлит эҳтиёжларни ташкил этади.

Таълим хизматларига бўлган ижтимоий эҳтиёжлар жамият манфатларидан келиб чиқади. Ҳозирги даврда жамиятнинг бойлиги бу инсон ва жисмоний капитал йиғиндисидан иборат деб қаралмоқда. Шу нуқтаи назардан таълимга қилинган инвестициялар инсон омилини фаоллаштиради. Натижада меҳнат унумдорлиги ошади. Пировардида эса иқтисодий ўсишга эришилади. Миллий бойликнинг ҳажми эса кўпаяди. Жамиятнинг таълимга қилган инвестицияларидан кўрадиган нафи ана шундан иборат.

Таълим ўзига хос соҳа бўлиб, у икки ёқлама тавсифга эга. Бир тарафдан у халқнинг маънавий ва маданий эҳтиёжларини қондиришда бевосита иштирок этса, иккинчи тарафдан эса таълим хизматларини кўрсатиш орқали меҳнат бозорига малакали ишчи кучини етказиб берувчи соҳа бўлиб ҳисобланади.

Таълим хизматларининг ўзига хос неъмат эканлиги ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари таълим хизматлари бозоридаги иқтисодий муносабатларнинг ўзига хослигини белгилаб беради. Унинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулки ҳиссасининг кўплиги натижасида ундаги монополлашиш даражасининг юқорилигидир. Ушбу ҳолат мавжудлигининг сабаби таълим хизматларининг аралаш неъмат эканлигидадир.

Айнан таълим хизматлари бозорида билимлар таълим хизматлари шаклида айирбошланади. Бозорнинг ушбу тури ишчи кучининг малакасини ёки сифатини шакллантиришда бевосита иштирок этади ва унинг самарадор бўлишини таъминлайди. Шу боис, таълим хизматлари бозорининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни аҳамиятлидир. Таълим хизматларининг истеъмолчилари бўлиб алоҳида шахслар, оилалар, корхоналар ва давлат ҳисобланади.

Таълим тизими муассасалари таълим хизматлари бозорининг субъекти бўлиб ҳисобланади. Таълим тизими таълим хизматлари орқали меҳнат бозори ва ишлаб чиқариш билан боғланган.

Таълим хизмат кўрсатиш соҳасининг таркибий қисми ва умуман миллий хўжаликнинг бир бўлаги сифатида малакали ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ва қайта тайёрлаш бевосита иштирок этади ва бу орқали ялпи ички маҳсулотни яратишга ўз ҳиссасини қўшади. Буни қуйидагиларда кўриш мумкин:

- таълим соҳасида ахборот технологияларининг кенг жорий қилиниши натижасида унинг миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан технологик ва функционал алоқалари чуқурланиб бориши;

- таълимнинг, тегишли доирада бозор муносабатлари асосида ривожланиши;

- таълим соҳасида ўзига хос иқтисодий муносабатлар мавжудлиги туфайли у такрор ишлаб чиқаришда (миллий бойликни яратиш ва инсоннинг таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш) ва истеъмол босқичларида (товар ва хизматларни сотиб олишда таълимнинг фаол иштирок этиши) қатнашиши ва тақсимлаш босқичида аҳоли даромадларини шакллантиришга таъсир этиши.

Таълим тизими малакали ишчи кучини шакллантириш ва унинг сифатини ошириш орқали мамлакатнинг иқтисодий ўсишига эришишини таъминлайди. Шу билан бирга таълим тизими ва фан соҳаси ўртасидаги боғлиқлик фан-техника тараққиёти натижаларини (инновациялар) ишлаб чиқаришга жорий қилиш орқали иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатади.

Таълим соҳасининг ижтимоий такрор ишлаб чиқаришда ўзига хос ўрни қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- таълим соҳасининг ижтимоий меҳнат тақсимотидаги ўзига хос ўрни шундан иборат: ушбу тармоқ миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари,

тармоқлараро мажмуалари, соҳаларига малакали ишчи кучини етказиб берувчи ягона тизими бўлиб ҳисобланади.

Ушбу ҳолат таълимни устувор ривожлантиришнинг зарурлигини белгилайди;

-таълим мамлакатнинг миллий хавфсизлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

-ҳозирги даврда аҳолининг фаровонлик даражаси инсоннинг ривожланиши индекси орқали ҳисобланади. Ушбу индекс ҳаётнинг ўртача давомийлиги, саводхонлик даражаси ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар миқдори мезонлари асосида ҳисобланади. Демак, саводхонлик даражаси аҳоли фаровонлиги даражасининг мезонларидан бири бўлиб ҳисобланади;

-таълим соҳасидаги меҳнат инсон фаолиятининг оммавий турига айланган. Унда юқори малакага эга бўлган ходимлар фаолият юритади. Ушбу тармоқда банд бўлган ходимлар миқдори бошқа тармоқлардагига нисбатан ва малакавий даражалари жиҳатидан кўпчиликни ташкил этади.

Маълумки, ижтимоий ишлаб чиқаришда ижтимоий маҳсулот (яъни миллий маҳсулот) яратилади. У ўзининг ҳаракатланиши жараёнида ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол босқичларини босиб ўтади ва ушбу жараёнда иқтисодий муносабатлар вужудга келади. Таълим тизимида таълим хизматлари яратилади ва улар истеъмолга қараб ҳаракатланади. Бунда қуйидаги ҳолатларга эътибор бериш лозим:

-ишлаб чиқаришнинг пировард мақсади нобозор иқтисодий тизимларда истеъмол ҳисобланади;

-бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимда эса ишлаб чиқаришдан кўзланган мақсад фойда олишдир.

Таълим тизимида истеъмолчиларга хизматлар хусусий ва ижтимоий шаклларда кўрсатилади. Истеъмолчиларга таълим хизматларини ижтимоий шаклда кўрсатишдан кўзланган мақсад фойда эмас, балки эҳтиёжларни

қондиришдан иборат. Таълим хизматларининг хусусий неъмат сифатида кўрсатилишидан мақсад фойда олишдан иборат.

Маълумки, тақсимлаш жараёнида ижтимоий ишлаб чиқариш натижалари ва ресурслари тақсимланади. Ушбу нуқтаи назардан тақсимот мулкчилик институтига боғлиқ бўлади. Чунки, ресурслар мулк эгаларига тегишли бўлади. Бозор иқтисодиётидаги ресурсларнинг тақсимланиши нарх механизми орқали рўй беради. Таълим соҳасида ушбу жараённинг ўзига хос томонлари қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топади:

-таълим тизимида хизмат кўрсатишнинг натижаси таълим хизматлари ҳисобланади, у ижтимоий неъмат сифатида нарх механизми орқали тақсимланмайди, хусусий таълим хизматлари эса, аксинча, нарх механизми воситасида тақсимланади;

-ресурслар эса таълимнинг моддий-техника базаси учун зарур бўлган воситалар, ишчи кучи (ўқитувчи ва ходимлар) тўлалигича нарх механизми орқали тақсимланади;

-барча мамлакатлардаги таълим тизимининг ўзига хос хусусияти давлат мулки ҳиссасининг юқорилигидир.

Айирбошлаш жараёни ҳам унумли тавсифга эга бўлиб, у ҳам ишлаб чиқариш жараёнига ўхшаб унумли тавсифга эга. Чунки ишлаб чиқариш сингари айирбошлаш жараёнида ҳам инсон эҳтиёжларини қондириш мақсадида неъматларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга етказиш таъминланади.

Таълимда истеъмол жараёни ўзига хослиги билан ажралиб туради. Таълим хизматларининг асосини ташкил этувчи билимнинг ўзига хос тарафи унинг истеъмол қилиниши билан йўқ бўлиб кетмаслиги, инсонда гавдаланишидир. У камайиб бормади, балки ошиб боради. Билим ресурс сифатида бошқа турдаги ресурслардан фарқли ўлароқ чекланмагандир.

1.2 Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий асослари.

Таълим хизматлари соҳасининг барқарор ривожланиши мамлакатимизнинг жадал ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашнинг гаровидир. Унга эришишда таълим хизматларидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш асосида таълим муассасаларининг самарали фаолиятини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш даврида, ишлаб чиқариш омилларидан оқилona фойдаланишни таъминлаш юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эришишнинг етакчи омили бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий асослари қуйидагилардан иборатдир;

1) Мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш. Бола 6-7 ёшга етгунича давлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида, нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасаларида ва oilаларда мактабгача таълим амалга оширилади. Маҳаллалар, жамоат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари ва халқаро фондлар мактабгача таълим жараёнида фаол иштирок этадилар.

2) Умумий ўрта таълим хизматларини ривожлантириш(9 йиллик мажбурий таълим). Мазкур таълим иккига бўлинади:

- бошланғич таълим (I-IV синфлар) ва
- умумий ўрта таълим (I-IX синфлар).

3) Ўрта махсус, касб-хунар таълими хизматларини ривожлантириш(3 йиллик мажбурий таълим).

Йўналишлари (ихтиёрий танланади) қуйидагилардан иборат:

- Ўрта махсус таълим (академик лицей):
 - Давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради.

- Ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди.

- Ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини оширадилар.

- Ўқувчилар фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-ҳунар кўникмаларини ўзларида шакллантирадилар.

- Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

— Касб-ҳунар таълими (касб-ҳунар коллежи):

- Тегисли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини беради.

- Ўқувчиларнинг танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

- Жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади.

- Бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегисли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

- Битирувчиларга давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

4) Олий таълим хизматларини ривожлантириш (ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади):

Босқичлари:

— Бакалавриат (мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим муддати камида 4 йил давом этадиган таянч олий таълим).

— Магистратура (аниқ мутахассислик бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалавриат негизида таълим муддати камида икки йил давом этадиган олий таълим).

5) Олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматларини ривожлантириш.

Бу жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим-касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган. Олий ўқув юртидан кейинги таълимни олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасалари (аспирантура, адъюнктура, докторантура, мустақил тадқиқотчилик)да олиш мумкин.

6) Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.

7) Мактабдан ташқари таълим хизматларини ривожлантириш.

1.2.1-расм

Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий асослари



Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов “Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози хали бери давом этаётган оғир бир шароитда иқтисодиётимизни янада барқарор ривожлантиришни таъминлаш, уни диверсификация ва модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник қайта жиҳозлаш барасидаги ишларни изчил давом эттиришимиз зарур”⁸ деб таъкидлаган эдилар.

Миллий иқтисодиётимизнинг инқирозсиз, барқарор ривожланиши нафақат уни диверсификация ва модернизация қилиш билан, балки унга зарур бўлган миллий кадрларни тайёрлашга ҳам боғлиқдир. Бу тўғрисида Президентимиз И.А. Каримов: “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумтаълим мактаб босқичини 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълим босқичини ўз ичига олган узлуксиз яхлит таълим тизими яратилди”⁹, деган эдилар. Таълим тизимининг муқобил ривожланиши таълим хизматлари мувозанатига боғлиқ.

Таълим хизматларини кўрсатувчилар ва истеъмолчилар ўртасидаги пул муносабатлари давлат томонидан тартибга солинади ва ижтимоий институтлар фаолиятига асосланади. Таълим хизматлари эса нарх ва рақобат, яъни бозор механизми орқали тартибга солинади. Таълим хизматлари талаб ва таклиф миқдорида талаб ва таклиф қонунининг амал қилиши нарх даражасига таъсир этади. Бироқ ўзига хос товар таълим хизматларига бўлган талаб ва таклифнинг шаклланишида ўзига хослик мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим тизими ва таълим хизматлари нархдан ташқари қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булардан бири, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражасидир. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасининг юқори бўлиши малакали ишчи кучига бўлган талабни оширади. Ўз навбатида,

⁸ Каримов И.А. Асосий вазифамиз ватанимиз-тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. –Тошкент:Ўзбекистон, 2010. 18 б.

⁹ Ўша манба, 48 б.

таълим хизматларига бўлган талабнинг ошиши уларнинг таклифини ҳам оширади.

Ўзбекистон Республикаси таълим хизматлари давлат асосий мавқега эгадир. Давлат таълим хизматлари асосий таклиф кўрсатувчи бўлса, талаб томонидан асосий истеъмолчи ўқишни истовчи ёшлар бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, субъектлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини ҳам бажаради. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг учинчи босқичида вужудга келтирилган узлуксиз таълим тизимининг сифатини ошириш устувор вазифа бўлиб ҳисобланади. Давлат таълим хизматлари ва инсон капиталини шакллантиради.

Бинобарин, таълим хизматлари соҳасида вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар ижтимоий-иқтисодий тавсифга эга бўлиб, улар кўпроқ даражада таълим хизматлари динамикасини аниқловчи омиллар билан боғлиқдир. Таълим хизматларини кўрсатувчи олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари меҳнат бозори талабларига мос бўлиши, талабалар эса уни тўлиқ ўзлаштиришдан манфаатдор бўлишлари лозим. Ишлаб чиқариш меҳнат бозори орқали таълим хизматлари бозорида олий ўқув юртларига ўз талабини қўяди.

Талабнинг мавжудлиги ўқув муассасалари ихтиёридаги ресурсларни ушбу талабларни қондиришга йўналтириш имконини беради, бу эса талабаларни ўқитиш сифатининг ошишига олиб келади.

Демак малакали ишчи кучига талаб динамикаси таълим хизматлари бозорига таъсир этувчи нархдан ташқари омил бўлиб ҳисобланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакатимиз меҳнат ресурслари таркибида олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган шахсларнинг сони муттасил ошиб бормоқда.

Бироқ, ушбу ҳолат таълим хизматлари тизими ва ишлаб чиқариш ўртасида ёки таълим хизматлари бозори ва меҳнат бозори ўртасидаги муносабатлар ҳали етарли даражада мукаммал шаклланмаганлигидан

далолат беради. Ушбу ҳолат мавжудлигининг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

- олий таълим муассасалари ҳали меҳнат бозори ва таълим хизматлари бозоридаги талабдан эмас, ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрламоқдалар;

- олий таълим тизимида таълим хизматлари моддий-техника базасининг талабга жавоб бермаслиги сабабли тайёрланаётган мутахассислар амалий кўникмаларининг пастлиги;

- ёшларнинг мутахассисликни танлашда бозор талабларидан эмас, балки ота-оналарининг хоҳиши ва уларнинг имкониятларидан келиб чиқаётганликлари;

- мутахассисларни тайёрлашда ишлаб чиқариш субъектларининг иштирок этиш механизмининг етарли даражада шаклланмаганлиги.

Таълим хизматлари ҳам пули хизматлар таркибига киритилган ва у ҳам кўпайиш тенденциясига эга. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда хизматларни кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг махсус қарори қабул қилинган. Ушбу қарорда таълим хизматларининг ҳам ўсиши кўзда тутилган. Қарорда такидланишича 2011-2016 йилларда 1,8 мартага ошиши мўлжалланган. Агар йиллар бўйича кузатадиган бўлсак, ушбу хизматлар ҳар йили ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Масалан, 2012 йилда 2011 йилга нисбатан ушбу хизматларнинг ўсиши 110,6%ни, 2013 йилда-111,5%, 2014 йилда-112,8% ташкил қилса, 2015 йилда -113,6%, 2016 йилда-114,0%ни ташкил қилиши кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, пули хизматлар таркибида таълим тизими хизматлари муҳим аҳамиятга эгадир. Маскур хизматларга қуйидагилар киради;

- ота-оналарнинг болаларни мактабгача таълим муассасалари, шунингдек, хусусий шахслар томонидан ташкил этилган мактабгача тарбия муассасаларида, мактаб интернатида сақлаш учун тўлайдиган пул миқдори.

-аҳолининг мактабгача тарбия муассасалари, мактаб, гимназия, лицей, билим юрти, ўрта махсус ва олий ўқув юртида болаларга кўрсатиладиган қўшимча хизматлар учун тўлайдиган ҳақи.

-олий ўқув юртлари, техникум, билим юртларига кириш тайёргарлиги учун пули курс хизматлари, чет тиллари курсларида ўқиш учун тўланадиган ҳақ.

-аҳолининг автомобиль, мотоцикл бошқариш, ахборот ва ҳисоблаш техникаси асослари, менежмент ҳамда малакали билим олиш бўйича курсларда таълим олиш учун тўлайдиган ҳақи.

Таълим тизими хизматлари ҳам бошқа хизматлар сингари ўзининг чегарасига эга. Чунки шу билан боғлиқ бўлган, аммо мазмуни сал бошқачароқ бўлган айрим хизматлар таълим хизматлари таркибига қирмайди.

1.3 Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини бошқариш органлари ва уларнинг ҳуқуқий меъёрий асослари.

1997 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди. Мамлакатимиз Конституцияси, келтирилган қонун ва дастур таълим хизматлари тизимини ислоҳ этиш концепциясининг ҳуқуқий асосини ташкил этади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўзагини кадрлар тайёрлаш миллий модели ташкил этади. Ушбу моделнинг ўзига хос жиҳатлари қуйидаги ҳолатларда ўз аксини топган:

- Ўзбекистон халқининг миллий менталитети, тарихий анъаналар, юртимизда ва ривожланган мамлакатларнинг таълим хизматлари соҳасини ривожлантириш борасида тўпланган тажрибага асосланганлиги;

- таълимнинг асосий турлари ўртасида узлуксизлик ва ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги;

- кенг қамровлилиги ва ички яхлитлиги;

- шахс, давлат ва жамиятда, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг ҳамкорлигини, уларнинг ўзаро алоқадорлигини акс эттириши.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг мақсади жисмонан, ақлан ва маънавий жиҳатлардан камол топган шахсни тарбиялашдан иборат. Унинг асосий вазифаларидан бири таълим хизматлари соҳасини ривожлантириш, таълимининг илм-фан ва ишлаб чиқариш билан мустаҳкам алоқаларини таъминлашдир.

Чунки, таълим хизматлари тизими, илм-фан билан боғлиқликда ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этувчи инсоний ва моддий ресурсларнинг сифатини оширади. Бу ҳолат эса микроиқтисодий даражада ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошишига, макроиқтисодий даражада эса барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш, макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш, аҳоли даромадларининг ошиб бориши асосида улар фаровонлигининг ўсиб боришига имкон яратади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосий мақсади – таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдан иборатдир. Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни назарда тутди. Миллий моделнинг асосий таркибий қисмларини шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ташкил қилади.

2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб эълон қилиниши ёшларни жисмоний, маънавий ҳамда ақлий жиҳатдан соғлом қилиб ўстиришга, уларга барча шарт-шароитлар яратишга, узлуксиз таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштиришга, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлашга қаратилди.


2009 йил 9 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” фармойиши эълон қилиниб унда баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди. Хусусан ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилona ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб етилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услугий адабиётларни такомиллаштириш ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакатдаги касб-

хунар коллежлари ва лицейларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш, лицейларда ва коллежларда замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш асосий вазифалардан қилиб белгиланди.

“Баркамол авлод йили” Давлат дастурини бажариш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан деярли 8 трлн. сўм ва 165 млн. АҚШ долларига тенг миқдордаги маблағ йўналтирилди. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳар томонлама муносиб ёшларни, Ватанимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, жисмоний ва маънавий соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш бўйича аниқ мақсадга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш имконини туғдирди.

1.3.1-расм

Таълим хизматларини бошқариш органлари



Таълим хизматлари тизимининг умумий бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси алоҳида олий таълим муассасаси, Тошкент Ислон Университети ва халқаро машхур хорижий ОТМлар (МДУ, Вестминстер Университети ва ҳоказо) филиалларини бевосита бошқаради.

Таълим хизматларини бошқариш органлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатларига қуйидагилар киради:

- таълим соҳасида ягона давлат сиёсатини олиб бориш;
- давлат таълим бошқарув органларига раҳбарлик қилиш;
- таълимни ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- таълим муассасаларини яратиш, қайта ташкил этиш ва бекор қилиш тартибларини белгилаш;
- таълим муассасалари аккредитацияси, педагогик ва илмий кадрлар аттестацияси тартибларини белгилаш;
- бошқа давлатлар таълим муассасаларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таълим кўрсатиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар бериш;
- қонунчиликка мос равишда хорижий давлатларнинг таълим ҳақидаги ҳужжатларини тан олиш тартибини белгилаш ва тенг-кучли эканлигини ўрнатиш;
- давлат таълим стандартларини белгилаш;
- давлат намунасидаги таълим ҳужжатларини ва уларнинг берилиш тартибини белгилаш;
- таълим муассасаларига қабул тартиби ва давлат грантлари миқдорини белгилаш;
- давлат олий таълим муассасалари ректорларини тайинлаш;
- таълим олаётганларни бир аккредитацияланган таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартибини белгилаш;


- қонунчиликда назарда тутилган бошқа ваколатлар.

Ўзбекистонда таълим хизматлари тизимлари фаолиятининг бевосита бошқарувини икки вазирлик - Халқ Таълими Вазирлиги (ХТВ) ва Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги (ОЎМТВ) - амалга оширади.

ХТВ мактабгача, мактабдан ташқари муассасалар ва умумий таълим мактаблари фаолияти учун масъулдир. ХТВ бошқарувида ўқитувчилар малакасини ошириш 5 ОТМ ва 16 институти мавжуд. Вазирлик жойлардаги тегишли таълим муассасалари фаолиятини методологик бошқарувчи вилоят, туман ва шаҳар халқ таълими бўлимларига эга. ОЎМТВ республикада олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимига раҳбарлик қилувчи давлат бошқарув органи ҳисобланади. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

1.3.2-расм

ЎзР ХТВ тизими ташкилий структураси



Вазирлик тизимига Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ва идоравий мансуб олий ўқув юртлари киради.

1.3.3-расм

ЎзР ОЎМТВ тизими ташкилий структураси



Давлатимиз фуқароларининг билим олишлари Ўзбекистон Республикаси конституцияси билан кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси ёшлар тарбиясида таълим муҳим аҳамият касб этади. Ватан остонадан бошланганидек, болаларимиз таълим-тарбияси оиладан бошланади. Демак, келажак авлодимиз ҳар тарафлама етук, соғлом, билимли, ўз ватанига садоқатли бўлиб етишиши учун ҳар биримиз масъулмиз.

Хулоса

I-боб юзасидан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки таълим хизматлари деганда, инсонинг давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган, узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтирадиган хизмат жараёни тушунилади.

Ўзбекистон республикасида таълим тизими қуйидаги босқичлардан иборатдир:

- Мактабгача таълим
- Ўрта махсус таълим
- Академик лицей ва касб-хунар таълим
- Олий таълим тизими
- Олий таълимдан кейинги таълим тизими
- Кадрлар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш
- Мактабдан ташқари таълим.

Мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш давридаги долзарб муаммолардан бири таълим хизматлари шакллантириш ва самарали ривожлантиришдир. Бунга эришиш таълим хизматларидаги иқтисодий муносабатларни такомиллаштира бориб, рақобатбардош, малакали ишчи кучи ва иқтисодиётни бозор тамойиллари асосида бошқарувчи мутахассисларни шакллантириш ва такрор ҳосил қилиш билан боғлиқ.

Ўзбекистон Республикасида таълим хизматларини ривожлантиришнинг назарий асослари қуйидагилардан иборатдир;

- Мактабгача таълим хизматларини ривожлантириш.
- Умумий ўрта таълим хизматларини ривожлантириш(9 йиллик мажбурий таълим).
- Ўрта махсус, касб-хунар таълими хизматларини ривожлантириш(3 йиллик мажбурий таълим).
- Олий таълим хизматларини ривожлантириш(ўрта махсус, касб-хунар таълими негизига асосланади):
- Олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматларини ривожлантириш.
- Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш.
- Мактабдан ташқари таълим хизматларини ривожлантириш.

2-БОБ. САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ БУГУНГИ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.

2.1 Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида таълим хизматларининг ҳолати.

Мактабгача таълим тушунчаси узлуксиз таълимнинг бошланғич қисми бўлиб ҳисобланади. У боланинг соғлом ва ривожланган шахс бўлиб шаклланишини таъминлаб, ўқишга бўлган иштиёқини уйғотиб, тизимли ўқитишга тайёрлаб боради. 6-7 ёшгача бўлган мактабгача таълим давлат ва нодавлат болалар мактабгача таълим муассасаларида ва оилада амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасасида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби ва қоидалари, мактабгача таълим муассасасига болаларни олиб келиш ва олиб кетиш қоидалари, мактабгача таълим муассасаси биноларида хавфсизликни ташкил этишга оид талаблар, мактабгача таълим муассасасида ёнғин хавфсизлигини ташкил этиш, ҳудуд хавфсизлигига бўлган талаблар “Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисида Низом” билан тартибга солинади.


Мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматлари – Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим муассасаларининг қўшимча хизматлари бўлиб, турли йўналишдаги мактабгача бўлган даврда таълим хизматларини таклиф этади ва амалга оширади. Мактабгача таълим муассасалари 2 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларни тарбиялашни, таълим хизматларидан фойдаланган ҳолда ўқитишни, назорат қилишни, парваришлашни ва соғломлаштиришни таъминлайди.

Ушбу маълумотдан кўриниб турибдики Самарқанд вилоятида мактабгача таълим муассасалари сони 659 тани ташкил этмоқда. Самарқанд вилояти республика мактабгача таълим муассасалари сони бўйича 2-ўринда, яъни Фарғона вилоятидан кейинги ўринда туради. Фоизда кўрадиган бўлсак бу кўрсаткич бутун республика бўйича 11% ташкил этади.

2.1.1-расм

Ўзбекистон Республикасида мактабгача таълим муассасалари хақида қисқача статистик маълумот:


ХТВ тасарруфидаги республика бўйича жами боғчалар сони-6135



2.1.2-расм

Ўзбекистон Республикаси шаҳарларидаги жами боғчалар сони

Ўзбекистон шаҳарларидаги жами боғчалар сони-2305



Бутун Республика шахар зоналарида жойлашган боғчалар сони бўйича Самарқанд шаҳри 204 та мактабгача таълим муассаси билан республикада жойлашган боғчалар сони бўйича 3-ўринда туради. Бу кўрсаткич бутун республика бўйича фоизда кўрадиган бўлсак 11% ташкил этади.

2.1.3-расм


Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларидаги жами боғчалар сони



Самарқанд вилоятининг қишлоқ жойларида жойлашган боғчалари сони 455 тани ташкил этади. Бу кўрсаткич Ўзбекистон Республикаси миқёсида оладиган бўлсак Фарғона вилоятдан кейинги 2-ўринда туради. Республикадаги барча боғчалар сонини фоизда ҳисобласак Самарқанд вилоятининг улиши 12% ташкил этади.

Бугунги кунда мактабгача таълимнинг мақсади таълим хизматларидан фойдаланган ҳолда болаларни мактабдаги ўқишга тайёрлаш, болани соғлом, ривожланган, мустақил шахс бўлиб шакллантириш, қобилиятларини очиб бериш, ўқишга, узликсиз таълимга бўлган иштиёқини тарбиялашдир.

Мактабгача тарбия муассасаларида мактабгача таълим хизматлари



Мактабгача таълим муассасасини ва уларда таълим хизматларини ташкил этиш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ва бутлаш, ҳамда мактабгача таълим муассасасининг мол-мулки ва пул маблағлари, жавобгарлиги, бошқаруви ва таълим жараёни қатнашчилари тўғрисидаги керакли маълумотларни “Ўзбекистон Республикасида давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом” да келтирилиб ўтилган.

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаларининг замонавий тизими мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматларидан фойдаланишдир.

Хозирги кунда Самарқанд вилоятида мактабгача таълим муассасаларининг таълим хизматлари фаолият йўналишига кўра, қуйидаги турларга бўлинади:

- Болалар яслиси, болалар ясли боғчаси, болалар боғчаси, уйдаги болалар боғчаси (мустақил муассаса ёки филиал сифатида).
- Мактабгача тарбия ва бошланғич таълим муассасаси (болалар боғчаси-мактаб).
- Тарбияланувчиларни бир ёки бир нечта йўналишда (тил, бадиий эстетик, спорт ва бошқалар) тарбияловчи мактабгача таълим муассасалари.
- Тарбияланувчиларнинг жисмоний ва рухий ривожланишдаги оғишларни квалификацион яхшиловчи тикловчи турдаги болалар боғчаси.
- Тиббиёт гигиена, профилактика ва соғломлаштириш тадбир ва процедураларини амалга оширувчи заифлашган болаларни назорат қилиш ва соғломлаштириш боғчаси.
- Бирлаштирилган турдаги болалар боғчаси (бирлаштирилган турдаги болалар боғчасига ривожлантирувчи, тикловчи ва соғломлаштирувчи гуруҳлар умумлаштирилган кўринишда киради)

**Самарқанд вилоятида мактабгача таълим хизматлари
муассасаларининг замонавий тизими**



Ҳозирда Самарқанд вилоятида мактабгача таълим муассасасининг иш тартиби ва у ерда болаларнинг бўлиш давомийлиги давлатнинг мактабгача таълим хизматлари сифат ва даражасига бўлган талаблари, низом, мактабгача таълим муассасаси ва ота-оналар орасида тузилган шартнома, ҳамда таъсисчилар томонидан белгиланган тартибда амалга оширилмоқда.

Имкониятлари чекланган болалар учун махсус мактабгача таълим муассасалари ташкил қилинган бўлиб, у ерга болалар давлатнинг жойлардаги ваколатли таълимни бошқариш ва соғлиқни сақлаш органлари тарафидан ташкил қилинган руҳий-тиббий педагогик комиссиянинг хулосасига биноан қабул қилинади.

Махсус мактабгача таълим муассасасини ташкил этиш тартиби, мол-мулки ва пул маблағлари, махсус мактабгача таълим муассасасида ўқув-таълим хизматларини ва соғломлаштириш жараёнини ташкил қилиш, таълим жараёни иштирокчилари ва махсус мактабгача таълим муассасасининг бошқаруви ҳақидаги тўлиқ маълумотлар “Махсус давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низом” да кўрсатилган.

Мактабгача таълим мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ижтимоий ва хайрия ташкилотлари, маҳалла, халқаро фондлар фаол иштирок этадилар.

Ўзбекистонда мактабгача таълим хизматлари давлат тилида ҳамда қорақалпоқ, рус, тожик, қирғиз, қozoқ ва туркман тилларида олиб борилади.

Самарқанд вилоятида эса мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматлари ўзбек, рус, тожик, инглиз ва бошқа тилларда ташкил этилмоқда.

2.1.1-жадвал

Самарқанд вилоятида жойлашган мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчи ва умумтаълим мактабларидаги ўқувчи ҳамда ўқитувчилари ҳақида маълумот

№	Туман, шаҳар номи	Халқ таълими																	
		мактабгача таъ- лим муассаса- лари сони			уларда (киши)						умум таълим мактаблари			уларда (киши)					
					тарбияланувчи			тарбиячилар						ўқувчилар			ўқитувчилар		
		2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%
	вилоят бўйича	571	556	97	47821	50496	105,6	4763	5144	108,0	1233	1232	99,9	520057	522723	100,5	49124	48905	99,6
	Шаҳарлар																		
1.	Самарқанд шаҳар	106	103	97	15166	16567	109,2	1315	1425	108,4	88	85	96,6	63060	62462	99,1	3864	3755	97,2
2.	Каттақўргон шаҳар	20	20	100	1659	1808	109,0	170	177	104,1	21	20	95,2	11997	11780	98,2	753	619	82,2
	туманлар																		
3.	Булунғур	22	20	90	1950	1268	65,0	211	183	86,7	68	68	100,0	27796	27438	98,7	2633	2723	103,4
4.	Жомбой	25	25	100	2409	2669	110,8	170	146	85,9	56	56	100,0	22059	22093	100,2	2013	1951	96,9
5.	Иштихон	22	22	100	1540	1632	106,0	207	161	77,8	93	92	98,9	37443	35772	95,5	3745	3865	103,2
6.	Каттақўргон	48	45	93	3152	3210	101,8	351	341	97,2	102	103	101,0	39260	39841	101,5	3873	4101	105,9
7.	Самарқанд	17	15	88	910	1020	112,1	123	133	108,1	87	87	100,0	19876	20051	100,9	2607	2494	95,7
8.	Нарпай	54	53	98	4070	4285	105,3	326	336	103,1	69	69	100,0	29522	30048	101,8	3478	3339	96,0
9.	Нуробод	5	5	100	465	455	97,8	47	46	97,9	75	76	101,3	22045	23328	105,8	2699	2631	97,5
10.	Оқдарё	24	24	100	1515	1500	99,0	170	202	118,8	54	54	100,0	20099	19993	99,5	2153	2195	102,0
11.	Пайарик	37	36	97	2460	2920	118,7	287	319	111,1	100	100	100,0	36753	36473	99,2	4472	4407	98,5
12.	Пастарғом	58	57	98	3815	3618	94,8	481	569	118,3	124	126	101,6	47434	49043	103,4	5602	5401	96,4
13.	Пахтачи	32	32	100	1852	1860	100,4	218	264	121,1	47	48	102,1	19327	18984	98,2	2019	1927	95,4
14.	Самарқанд	34	33	97	2310	2779	120,3	251	254	101,2	52	52	100,0	26532	26594	100,2	2029	2051	101,1
15.	Тайлоқ	39	39	100	2420	2810	116,1	196	199	101,5	58	58	100,0	26729	27930	104,5	2440	2458	100,7
16.	Ургут	28	27	96	2128	2095	98,4	240	389	162,1	139	139	100,0	70125	70893	101,1	4744	4989	105,2

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики Самарқанд вилоятида жами мактабгача таълим муассасалари сони 2012 йилда 571 тани ташкил этган бўлиб, ушбу муассасаларда 47821 та тарбияланувчиларга 4763 та тарбиячилар таълим-тарбия берилган. Самарқанд шаҳрида энг кўп мактабгача таълим муассасаси жойлашган бўлиб, бу кўрсаткич 2012 йил ҳолатига 106 та мактабгача таълим муассасаси мавжуд эканлигини кўрсатмоқда. 2013 йил ҳолатига эса Самарқанд вилоятида 556 та мактабгача таълим муассасида жами 50496 та тарбияланувчига 5144 та тарбиячи тўғри келган. Мактабгача таълим муассасалари сони бўйича вилоятда 103 та мактабгача таълим муассаси билан Самарқанд шаҳри олдинги ўринда туради. Самарқанд шаҳрида жойлашган 103 та мактабгача таълим муассасида 16567 та тарбияланувчига 1425 та тарбияланувчи таълим бериб келмоқда. Самарқанд шаҳри мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчи ва тарбиячилари сони бўйича ҳам олдинги ўринда туради.

Самарқанд вилоятида 2012 йилда 1233 та умумтаълим мактабларида 520057 та ўқувчига 49124 та ўқитувчи таълим бериб келмоқда. Умумтаълим мактаблари бўйича 139 та яъни Самарқанд вилояти бўйича Ургут туманида энг кўп мактабгача таълим муассаси жойлашган туман бўлиб саналади. Вилоятда жойлашган 1233 та умумтаълим мактабларидан 8 таси махсус мактаб интернатлари ҳисобланади.


2013 йил ҳолатига Самарқанд вилоятида умумтаълим мактаблари сони 1232 тани ташкил этган бўлиб, шулардан 20 таси махсус мактаб интернати ҳисобланади. Жами 1232 та умумтаълим мактабларида 522723 та ўқувчига 48905 та ўқитувчи тўғри келган. 2013 йилда ҳам Самарқанд вилоятининг Ургут тумани энг кўп умумтаълим мактаби жойлашган туман бўлиб, туманда 139 та умумтаълим мактаби шундан 1 та махсус мактаб интернати мавжуд. Ургут туманида жойлашган жами 139 та умумтаълим мактабларида 4989 та ўқитувчи 70893 та ўқувчига таълим бериб келмоқда.

Умумий ўрта таълим тушунчаси умумий ўрта таълимнинг мақсади иштирокчиларни маданий ва маиший, халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган фан асосларининг тизимли билимлари, маҳорат ва малака билан қуроллантиришдан ҳамда махсус таълим олиш (касб-хунар, техник, ўрта, олий) имкониятини яратишдан иборатдир.

Ўзбекистонда мажбурий, бепул, муддати 9 йилдан иборат бўлган умумий ўрта таълим мавжуд бўлиб, у бошланғич (1-4- мактаб синфлари) ва ўрта (5-9- мактаб синфлари) таълимга бўлинган. Шу билан бирга вилоят умумтаълим мактабларида ҳар хил турдаги ўқув курслари ва тугараклар таълим хизматларининг бир тури сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда.

2.1.6-расм

Умумий ўрта таълим тизимининг тузилиши



Бошланғич таълим умумий ўрта таълим олиш учун зарур бўлган билим ва малаканинг, саводхонлик асосларининг шакллантирилишига йўналтирилган. Биринчи синфга болалар 6-7 ёшдан қабул қилинади.

Бошланғич таълим Ўзбекистонда мажбурий, бепул ва барчага таълуқли ҳисобланади. Бу мактаб ёшига етган барча болалар умумий ёки махсус (ногирон болалар ва ривожланишдан орқада қолган болалар) бошланғич мактабга боришларини билдиради. Болаларни бошланғич таълимга жалб қилиш мос келувчи ёшидаги болаларнинг 100% ташкил қилади. Бола бошланғич мактабни тугатар экан, у ўқиш, ёзиш ва ҳисоблаш маҳоратига эга бўлиши керак. Ўқувчига назарий фикрлаш элементлари, ўргатилган ҳаракатларни бошқариш маҳорати сингдириб борилади. Нутқ маданияти, шахсий гигиена асослари, соғлом ҳаёт тарзи ва жамиятда ўзини тутиш билимлари ҳам бериб борилади. Ўқув фанларининг сифат ва таркиби бошланғич мактабда, мактаб тури ва ўқитиш шароитларига кўра ўзгариб туради.

Мактабнинг барча биринчи синф ўқувчилари бепул ўқув китоблари ва ўқув асбоблари билан таъминланади. 1996 йилдан бери кам таъминланган оилалардан бўлган 1-9-синф ўқувчилари ҳар йили давлат бюджети ҳисобидан

ўқув ашёлари ҳамда қишки кийим комплеклари билан таъминланади. Ўзбекистонда бошланғич ва ўрта таълим ташкил қилиниши ва таркибига кўра бир-бири билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир умумтаълим мактаби иккала поғонада умумий ўрта таълимни амалга оширади. Бу бошланғич мактабда битирувчиларнинг тўлиқ ҳисобини олиб боришни ва умумий ўрта таълим тизимида узлуксизликни таъминлайди.

Умумий ўрта таълим керакли билим ҳажми, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, ташкилий маҳорат ва амалий тажриба пойдеворини қўйиб, бошланғич профессионал йўналишни ва таълимнинг кейинги поғонасини танлашда кўмаклашади.

Умумий ўрта таълим бошланғич таълимнинг мантиқий давоми бўлса ҳам, таркибий сифатига ва ўқитиш услубига кўра фарқ қилади. Умумий ўрта таълим иштирокчининг ижтимоий мавқеини белгилаб олишга бўлган иштиёқ, қизиқиш ва қобилиятларини, унинг шахс бўлиб шаклланишини таъминлайди. Ўқувчи ўрта мактабда фан асослари бўйича тизимли билимларни олади. Таълим жараёнида кенг дунёқараш шаклланиши ва ижодий фикрлаш қобилияти пайдо бўлади. Халқнинг бой маънавий ва маданий меъроси билан таништириб бориш орқали болада атрофдаги оламга бўлган ғамхўрлик ҳисси уйғотиб борилади. Ўрта мактаб ўқувчилар учун мактаб фанларини мустақил ўрганишга кенг имкониятлар яратиб беради. Ўрта таълимнинг таркибий қисмига мажбурий ва қўшимча компонентлар киради.

Мажбурий компонент давлат таълим стандартлари билан аниқланади ва иштирокчининг минимал керакли тайёргарлик даражасини белгилайди. Унинг муваффақияти ўрта таълим муассасалари томонидан кафолатланади. Бу компонент давлат ва жамият буюртмаси, шахснинг қизиқиш ва талаби асосида белгиланади.

Қўшимча компонент иштирокчининг талаб ва қобилиятидан, мактабнинг моддий-техник ва кадрлар билан таъминланганлик даражасидан, ҳудуднинг ижтимоий иқтисодий ривожланишига бўлган талаблардан келиб

чиққан ҳолда белгиланади. Қўшимча ўқув вазифалар ҳажми Халқ Таълим Вазирлиги томонидан белгиланган нормативлар асосида тақсимланади. Мактабнинг ўқув тарбиявий ишлари, Халқ Таълим Вазирлиги томонидан тасдиқланган, Базисли ўқув режаси ва умумий ўрта таълимнинг ўқув дастурлари орқали амалга оширилади.

Ўқув фанлари, умумий таълим дастурлари рўйхати, ўқув вақтининг давомийлиги Базисли ўқув режа ва умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари билан белгиланади. Умумий ўрта таълим қатнаб ўқиш ва битирувчиларнинг якуний аттестацияси орқали амалга оширилади. Битирувчиларга давлат аттестатлари, алоҳида мувоффақиятларга эришганларга эса имтиёзли аттестатлар берилади.

Мустақил равишда умумий таълим дастурини ўзлаштирган иштирокчиларга, Халқ таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган Экстерна ҳақидаги низомга асосан, экстерна тартибда аттестациядан ўтиш ҳукуқи берилади.

Ушбу кўрсаткич Самарқанд вилоятида 1232 тани ташкил этади. Республика миқёсида оладиган бўлсак ушбу кўрсаткич 12,62% билан Самарқанд вилояти умумтаълим мактаблари сони бўйича биринчи ўринда туради. Биргина Самарқанд вилоятида 522 минг ўқувчи ўринли 1232 та умумий ўрта таълим мактабларида мавжуд бўлиб, ушбу таълим муассасаларида 528,4 минг ўқувчига 46381 нафар ўқитувчилар таълим-тарбия бермоқдалар. Ўқувчиларнинг 75,5 фоизи биринчи сменада ўқимоқда. Қолган 25,5 фоиз ўқувчиларга эса иккинчи сменаларда тахсил олмоқдалар.

2014-2015 ўқув йилида вилоят умумтаълим мактабларининг биринчи синфларига 67374 нафар болалар қабул қилинди, уларнинг ҳаммасига.

Самарқанд вилоятида 2014-2015 ўқув йилларида умумтаълим мактабларининг 9 синфларини 57239 та ўқувчи тугатиб, шулардан 3659 таси академик лицейларга ва 53495 таси касб-хунар коллежларига ўқишга қабул қилинди.

Ҳисобот даврида 53 та 11182 ўқувчи ўринли умумтаълим мактаблар реконструкция қилинди, 13 мактаблар капитал таъмирланди.

Булардан ташқари Ўзбекистон республикасида мактабдан ташқари таълим хизматлари ҳам мавжуддир ва бу таълим тизими Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Таълим тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ барча ҳудуд (шаҳарчалар, туман, шаҳар, вилоятлар ва республика)ларда мактабдан ташқари муассасалар тегишли ҳокимликнинг қарорига мувофиқ очилади. Мактабдан ташқари муассасалар мустақил равишда ёки илмий-ишлаб чиқариш, ўқув-тарбия комплекси (маркази) таркибида фаолият кўрсатиши мумкин.

Болалар ва ўсмирларнинг таълимга бўлган, яқка тартибдаги, ортиб боровчи талаб-эҳтиёжларини қондириш, уларнинг бўш вақтини ва дам олишини ташкил этиш учун давлат органлари, жамоат ташкилотлари, шунингдек бошқа юридик ва жисмоний шахслар маданий эстетик, илмий, техникавий, спорт ва бошқа йўналишларда мактабдан ташқари давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ташкил этадилар.

Мактабдан ташқари муассасалар халқ таълими тизимининг таркибий қисми ҳисобланадилар ва улар таълим-тарбия беришга мўлжаллангандир.

Мактабдан ташқари муассасалар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, "Таълим тўғрисида"ги Қонунга ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига ҳамда "Мактабдан ташқари муассаса тўғрисида" Низомга мувофиқ амалга оширадилар.

Мазкур Низом мактабдан ташқари муассасалар фаолиятини, вазифалари ва функцияларини, бошқарувини тартибга солади ва иштирокчиларнинг (ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар, мактабдан ташқари муассасаларнинг педагогик ходимлари ва тарбияланувчилар) ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб беради.

Ўсиб келаётган авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантиришга ўқувчиларни бўш вақтидан оқилона фойдаланиш учун вилоятда 26 та мусиқа ва санъат мактаблари, 52 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 17 та "Баркамол авлод" ижодиёт марказлари фаолият кўрсатмоқда.

2.2 Академик лицей ва касб-хунар коллежларида таълим хизматларининг бугунги ҳолати

Ўрта-махсус, касб-хунар таълими умумий ўрта таълим негизида ўқиш муддати уч йил бўлган мажбурий ўрта махсус, касб-хунар таълими узлуксиз таълим тизимидаги мустақил турдир.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналиши академик лицей ёки касб-хунар коллежи ўқувчилар томонидан ихтиёрий танланади.

Академик лицей давлат таълим стандартларига мувофиқ ўрта махсус таълим беради, ўқувчиларнинг имкониятлари ва қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг жадал интеллектуал ривожланиши чуқур, соҳалаштирилган, табақалаштирилган, касбга йўналтирилган таълим олишини таъминлайди. Академик лицейларда ўқувчилар ўзлари танлаб олган таълим йўналиши бўйича (гуманитар, техника, аграр ва бошқа соҳалар) билим савияларини ошириш ҳамда фанни чуқур ўрганишга қаратилган махсус касб-хунар кўникмаларини ўзларида шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Бу кўникмаларни ўқишни муайян олий таълим муассасаларида давом эттириш ёки меҳнат фаолиятида рўёбга чиқаришлари мумкин.

Касб-хунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-хунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-хунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-хунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-хунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-хунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради.

Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танлаган ихтисосликларига эга бўлишни таъминлайди. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган

намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Умумий таълим негизида ўқитиш муддати уч йил бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узлуксиз таълим тизимининг мажбурий мустақил тури ҳисобланади. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билим асосларини чуқур ўрганишни, танланган касб-ҳунар бўйича кичик мутахассис сифатида мустақил амалий ишлаш учун кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Таълимнинг ушбу тури мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқариш учун зарур ташкилий, ўқув-услубий, моддий-техникавий ва психологик-педагогик шарт-шароитларни таъминлайдиган академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ҳисобланадилар.

Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари юридик шахс ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган тартибда ташкил этилади, Устав ва «Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тўғрисида»ги Низом асосида фаолият кўрсатади.

Касб-ҳунар бўйича чуқурлаштирилган, табақалаштирилган таълим бериш, ўқувчиларнинг интеллектуал ривожланишини ва уларнинг ўз қобилиятлари ва мойилликларига мувофиқ танлаган касб-ҳунар бўйича мутахассисликларни эгаллашини таъминлаш ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг мақсади ҳисобланади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида кундузги ўқиш шаклида амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларига ўқувчилар қабул қилиш умумий ўрта таълим негизида мактабларнинг 9-синфини битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ва умумий ўрта таълимни тугатишда улар томонидан олинган рейтинг кўрсаткичлари натижалари бўйича, уларнинг академик лицейда ва касб-ҳунар коллежида ўқиш йўналишини ихтиёрий равишда танлашини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида умумий таълим ва касб-ҳунар дастурлари уч курсда амалга оширилади. Ўқувчилар ўқув курслари бўйича гуруҳларга, ўқиш йўналишлари бўйича эса бўлинмаларга бирлаштирилади.

2012 йилда касб-ҳунар коллежларининг қарийб беш юз минг нафар битирувчи курс ўқувчилари 116,1 мнгдан ортиқ корхона ва ташкилотлар томонидан 30 фоизлик иш ҳақи билан таъминланди. Битирувчилар малакасини ошириш мақсадида касб-ҳунар коллежлари устахоналарини хомашё ва материаллар билан таъминлаш учун 6 млрд. сўм маблағ ажратилди. Мутахассислик фанлари ўқув дастуридан маънавий эскирган 4603 та мавзулар чиқарилиб, замонавий техника ва технологияларнинг жорий этилаётганини эътиборга олган ҳолда 6613 та янги мавзулар ўқув дастурларига киритилган. Ўқув режаларидаги аудитория соатлари 5 фоиз камайтирилиб, ўқув ишлаб чиқариш амалиёти соатлари ҳамжми 10 фоизга оширилган. 23 та касб-ҳунар коллежи қайта ихтисослаштирилиб, 387 та касб-ҳунар коллежида 98 та касблар бўйича кадрлар тайёрлаш тўхтатилди. 603 та касб-ҳунар коллежида 143 та касблар бўйича кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди. 2012 йилда 1913 нафар битирувчига 9,4 млрд. сўм имтиёзли кредитлар ажратилиб, шу ҳисобдан 2400 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида битирувчиларнинг қарийб 87 фоизи иш билан таъминлангани ҳолда уларнинг 43 фоизи ўзлари амалиёт ўтаган жойларда ишга жойлашди.

Умуман, касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларнинг танлаган касбларини пухта эгаллашига эришиш билан бирга, уларда бизнесни ташкил этишнинг асосий тушунчаларини шакллантириш, ўз мустақил хўжалик фаолиятини юритишда битирувчиларга ҳар томонлама қўмаклашиш ва бу борада доимий мониторингни ташкил этиш каби вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда.

2.2.1-жадвал

**Самарқанд вилояти бўйича академик лицей ва касб-хунар коллежларидаги ўқувчи ҳамда ўқитувчилар сони
хақида маълумот.**

№	Туман, шахар номи	Халқ таълими																	
		Касб хунар коллежлари			Уларда(киши)						Академик лицей			Уларда(киши)					
					ўқувчилар			ўқитувчилар						ўқувчилар			ўқитувчилар		
		2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%	2012	2013	%
1.	вилоят буйича	160	160	100	192148	183893	95,7	12086	10554	87,3	14	14		11949	12608	106	919	868	94,5
	шахарлар																		
2.	Самарканд шахар	28	28	100	40518	37815	93,3	2802	2249	80,3	12	12		10645	11166	105	831	791	95,2
3.	Каттақургон шахар	5	5	100	7758	6787	87,5	440	359	81,6	1	1		869	993	114	56	54	96,4
	туманлар																		
4.	Булунгур	8	8	100	9240	9039	97,8	586	586	100,0	-	-		-	-		-	-	
5.	Жомбой	7	7	100	7343	7269	99,0	381	347	91,1	-	-		-	-		-	-	
6.	Иштихон	11	11	100	13256	13445	101,4	855	801	93,7	-	-		-	-		-	-	
7.	Каттақургон	12	12	100	10093	9897	98,1	608	552	90,8	-	-		-	-		-	-	
8.	Самарканд	7	7	100	6082	6222	102,3	451	413	91,6	-	-		-	-		-	-	
9.	Нарпай	6	6	100	8936	8493	95,0	489	469	95,9	-	-		-	-		-	-	
10.	Нуробод	7	7	100	5481	5482	100,0	350	331	94,6	-	-		-	-		-	-	
11.	Оқдарё	7	7	100	7032	6763	96,2	452	334	73,9	-	-		-	-		-	-	
12.	Пайарик	12	12	100	10603	11174	105,4	725	701	96,7	-	-		-	-		-	-	
13.	Пастаргом	14	14	100	15674	14830	94,6	906	803	88,6	-	-		-	-		-	-	
14.	Пахтачи	6	6	100	8543	7899	92,5	473	430	90,9	-	-		-	-		-	-	
15.	Самарканд	5	5	100	7012	6382	91,0	370	318	85,9	-	-		-	-		-	-	
16.	Тайлок	6	7	116 ,7	8435	8063	95,6	597	589	98,7	-	-		-	-		-	-	
17.	Ургут	19	19	100	25148	24333	96,8	1516	1272	83,9	1	1		435	449	103	32	23	71,9

Самарқанд вилоят Ўрта махсус ва касб-хунар таълими бошқармаси маълумотига асосан

Самарқанд вилоятида 2011-2012 ўқув йилида жами 160 та касб ҳунар коллежлари мавжуд бўлиб, уларда таҳсил олган ўқувчилар 192148 тани ташки этади. Академик лицейлар сони эса 14 та бўлиб, 11949 та ўқувчига 919 та педагог ўқитувчилар таҳсил бермоқдалар. 14 та академик лицейдан 12 таси Самарқанд шаҳрида, 1 таси эса Каттакўрғон туманида жойлашган.

2012/2013 ўқув йилида эса 174 та ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва академик лицейларда 204537 нафар ўқувчи, шу жумладан 160 та касб-ҳунар коллежларида 183893 нафар, 14 та академик лицейда 12608 нафар ўқувчилар таҳсил олдилар.

Бу кўрсаткичларни кузатадиган бўлсак йилдан йилга ўқувчилар сони ортиб бораётганини гувоҳи бўламиз. Бу эса жуда қувонарли ҳолат. Демак бу шуни англатадики ўқувчиларда ўқишга бўлган қизиқиши ортмоқда. Биз шундан унимли фойдаланган ҳолда турли таълим хизматларини таклиф этишимиз мумкин.

Самарқанд вилоятида академик лицей ва касб-ҳунар таълими тизимда бугунги кунда жами 13025 нафар педагог ва муҳандис-педагоглар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 11575 нафари олий, 1450 нафари ўрта махсус маълумотли ўқитувчилар, 946 нафарини ишлаб чиқариш таълими усталари, жумладан 10 нафари фан доктори, 97 нафари фан номзодлари ташкил этади. Ушбу малакали педагоглардан фойдаланган ҳолда академик лицей ва касб ҳунар коллежларида ихтиёрий таълим хизматларини таклиф этишимиз мумкин.

Самарқанд вилоятида 2012-2013 ўқув йилида 160 та касб-ҳунар коллежларини 102 та мутахассислик бўйича 60794 нафар ўқувчилар битирди, шундан 30285 нафари қизлар. Битирувчиларнинг 1539 нафари бошқа вилоятлардан келиб таълим олган бўлса, 59255 нафари вилоят ёшларини ташкил қилади.

2013-2014 ўқув йили учун академик лицейларга 3990 нафар, касб-ҳунар коллежларига 58433 нафар, жами, 62423 нафар (1164 нафари - бошқа вилоятлардан) 9-синф битирувчилари ўқишга қабул қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 январдаги 7-сонли мажлиси баёнининг 11-банди ижросини таъминлаш мақсадида 57 минг 971 нафар (95,4%) битирувчилар 19987 та корхоналарга уч томонлама шартномалар асосида бириктирилди.

Академик лицей ва касб-хунар коллежлари давлат бюджети ҳисобидан маблаг билан таъминланиб туради ва мамлакатимиздаги 12 йиллик бепул таълим тизимига киради. Бугунги кунда малакали кадрлар таёрлаш ва ушбу кадрлар жаҳон талабларига жавоб бериши учун ҳам талабалар уртасида рақоботни вужудга келтириш керак. Бунинг учун академик лицей ва касб хунар коллежларида мутахассисликларидан келиб чикан ҳолда таълим хизматларини таклиф этиш мумкин. Бу эса ўқувчиларда таълимга булган кизикишини оширади.

Жорий йилнинг 20 август ҳолатига касб-хунар коллежларининг 60794 нафар битирувчилардан 35242 нафари (58,0%)ни бандлиги таъминланди.

Шундан: 26446 нафари бириктирилган корхоналарга, 8772 нафари бошқа корхоналарга ишга жойлаштирилди.

Вилоятда касб-хунар коллежлари битирувчилар меҳнатидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида вилоят прокуратураси ташаббуси билан 2015 йил Самарқанд шаҳридаги 10 та корхона, ташкилот ва муассасасаларда 33 та йуналиш буйича “Мустақиллик бунёдкорларимиз” шиори остида “Енг яхши мутахассис” ҳамда “Енг яхши бизнес лойиҳа” тақдимотлари утказилди. Тақдимотларда 7446 нафар битирувчиларнинг ота-оналарига сертификатлар ва 250 нафар битирувчиларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тижорат банклари сертификатлари тарқатилди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш ҳамда ўтган ўқув йилида Давлат таълим стандартларини ўқув жараёнига тадбиқ етилишида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг компьютер ва интернет тармоғидан фойдаланиш даражасини ошириш, таълим хизматлари жараёнига ахборот-коммуникация ва илғор педагогик технологияларни, электрон дарсликлар ҳамда мултимедия

воситаларини самарали жорий етиш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг педагог ва касб маҳоратларини ошириб, чет тилларни ўрганиш, ўқувчи-ёшларни мустақил фикрлайдиган, баркамол инсонлар етиб тарбиялаш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Соҳада амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2012-2015 ўқув йилида Халқаро ва Республика миқёсидаги кўрик-танловлар, фан олимпиадалари ва спорт мусобақаларида вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқувчи-ёшлари юқори ўринларни егаллаб, вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Хусусан, 2012 йил 25-30 ноябр кунлари Санкт-Петербург шаҳрида МДХ ва Болтиқ буйи давлатлари ўқувчилари ўртасида Рус тили ва маданияти бўйича ўтказилган халқаро олимпиадада СамДУ қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Абдуллайева Ширин Отабековна 2-ўринни егаллади.

Самарқанд педагогика коллежи ўқувчиси Суярова Камила 2013 йилда Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси бўлди.

2013 йил 24-30 апрел кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган 47-халқаро Менделеев олимпиадасида СамДУ қошидаги 1-сон академик лицейнинг 3-курс ўқувчиси Даминова Ўғилой Искандар қизи 4-даражали диплом билан тақдирланди.

2013 йилнинг 26-29 май кунлари ўтказилган Республика ИВ босқич олимпиадасида СамИСИ қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Ёдгоров Шахбоз – немис тили фанидан 3-ўринни, СамДЧТИ қошидаги академик лицей ўқувчиси Турдимуротова Нигора – франсуз тили фанидан 3-ўринни кўлга киритди.

2012 йил 4 декабр куни Тошкент шаҳрида ўтказилган “Конститусия – бахтимиз пойдевори” кўрик-танловининг Республика босқичида Самарқанд ҳуқуқшунослик коллежи жамоаси Олий ўрин — Гран-Прига сазовор бўлди.

2012 йил 20-21 декабр кунлари ўтказилган “Ёнғ яхши инновацион фикрлаш” танловнинг Республика босқичида Самарқанд миллий хунармандчилик касб-хунар коллежи жамоаси фахрли 2-ўринни егаллади.

“Ёш чегарачилар” ҳарбий-спорт мусобақасининг Республика босқичида вилоятимиз шаънини ҳимоя қилган Ургут агротадбиркорлик ва сервис касб-ҳунар коллежи жамоаси фахрли 2-ўринни қўлга киритди.

“Шунқорлар” ҳарбий-спорт мусобақаларида Паяриқ қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва сервис КХК ўқувчилари Республика босқичи голиби бўлгани барчамизни хурсанд қилди.

2012/2013 ўқув йилида вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларининг 4 нафари Жаҳон чемпионати мусобақаларида совриндор бўлди, 21 нафар спортчилар Осиё ва халқаро миқёсдаги турнирларда юқори ўринларни егалладилар. Ёшларимиз Республика миқёсидаги спорт мусобақаларида 22 та олтин, 31 та кумуш, 47 та бронза медалларини қўлга киритиб, вилоят спортини янада юксалтиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

2013 йил 2-7 март кунлари қўл тўпи мусобақасининг Халқаро Осиё ТРОФЕ кубогида Сафарова Шоҳсанам ва Муҳаммадийева Мақсадлар миллий терма жамоамизда қатнашиб 2 ўринни қўлга киритди.

Қул тўпи мусобақасининг Халқаро Осиё ТРОФЕ кубоги ўқув семинарида Булунгур маиший хизмат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари Холмонова Нилуфар ва Муҳаммадийева Роҳилалар Ўрта Осиёда ҳакамлик қилиш ҳуқуқини берувчи сертификатларни қўлга киритганликларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим.

2012-2013 ўқув йилида Каттақургон тиббиёт коллежи Армрестлинг спорт жамоаси жами 28 та олтин, 13 та кумуш ва 19 та бронза медалини қўлга киритди. Шулардан, 26-30 июнда Тошкент шаҳрида ўтказилган 12-Осиё чемпионатида жамоа аъзолари 5 та олтин, 2 та кумуш, 5 та бронза медалини қўлга киритганлиги диққатга сазовордир.

2013 йил 8-10 март кунлари мазкур коллеж жамоаси Навоий шаҳрида ўтказилган Армрестлинг спорти бўйича Ўзбекистон чемпионатида жами 16 та, 8 та олтин, 6 та кумуш, 2 та бронза медалини қўлга киритган.

2013 йилнинг 26-28 апрел кунлари Самарқанд шаҳрида ёшлар (1995-1996 йилларда тугилган) ўртасида Армрестлинг спорти бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида Каттақургон тиббиёт коллежи жамоасижами 13 та медал, шундан 5 та олтин, 6 та кумуш ва 2 та бронза медалини қўлга киритган. Спортчилардан Азимова Наргиза, Бустонова Шаҳрибону, Нейматуллаев Аминжон, Нейматуллаев Муҳаммадали, Нормуродова Мафтуна, Орипова Лобар, Суннатов Шохсанам, Ешқувватова Иродаларнинг мазкур ютуқлардаги ҳиссалари алоҳида диққатга молик.

Иштихон тиббиёт коллежи жамоаси спортнинг “Армрестлинг” тури бўйича 2013 йил 24-28 июн кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 12-Осиё чемпионати мусобақасида қатнашиб, 55 кг вазнда Абдураимова Азиза 2 ўрин, Акбаралиева Амина 70 кг вазнда 3-ўрин, фахрий спортчилар ўртасида 90 кг вазнда Тўрайев Сирожиддин 3-ўринни қўлга киритди.

Самарқанд ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг 2 курс ўқувчиси Бобокалонова Ситора 2013 йил 20-21 май кунлари Тошкент шаҳрида спортнинг Пинчак силат турининг “Тунгал” йўналиши бўйича 17-35 ёшлилар (60 кг вазн) ўртасида Ўзбекистон кубоги учун ўтказилган мусобақада 1-ўринни егаллади.

Тайлоқ олимпия захиралари коллежи Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида кураш бўйича Жаҳон чемпионатида Дўстқулов Бекзод 1-ўринни, 2012 йил 28-30 октябр кунлари Лондонда ўтказилган мусобақада Ражабов Аббос 2-ўринни қўлга киритди.

Машрапов Бобур Ёшлар ва ўсмирлар ўртасида Жаҳон чемпионати Белбоғли кураш бўйича 2012 йил 15 октябрда Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ўтказилган мусобақада 2-ўринни қўлга киритди.

Турон якка кураши бўйича Тожикистон республикаси Суғд шаҳрида ўтказилган Осиё Чемпионатида Норбойев Алишер, Бобомуродов Латиф, Раҳимбеков Санжарлар 1-ўринларни қўлга киритдилар.

Шахмат бўйича 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида СамИСИ қошидаги 1-сон академик лицей ўқувчиси Турсунова Шахноза 2013 19-27 июнда

Еронда ўтказилган Осиё чемпионатида 3-ўринни, Самарқанд темир йўллар транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Гусейнов Алихон Республика чемпиони унвонини қўлга киритди.

Таълим тизимининг мазкур турига мансуб бўлган таълим муассасаларида, яъни академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида мамлакатимиз иқтисодиёти ва бошқа соҳаларининг турли йўналишлари учун иқтидорли кичик мутахассислар тайёрланади. Шу ўринда касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг узлуксиз таълим тизимидаги ўрнига бир назар солайлик.

Таълим муассасасининг молиявий маблағлари унинг тасарруфида бўлади ва улардан қонунчилик ва таълим муассасасининг уставдаги вазифаларига мувофиқ фойдаланилади.

Давлат таълим муассасасининг моддий воситалари, бинолари, иншоотлари ва асбоб-ускуналари унинг хўжалик тасарруфида бўлади ҳамда улардан уставдаги вазифаларни ҳал қилиш учун фойдаланилади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг устахоналари, лабораториялари ва бошқа объектларининг жиҳозланиши намунавий нормативлар билан белгиланади.

2.3 Олий таълим муассасаларида таълим хизматларининг бугунги ҳолати

Олий таълим - “Олий таълим” атамаси заминида иқтисод, фан, техника ва маданият соҳасида фаолият олиб борувчи, иш мобайнида илм-фан, маданият, техника янгиликларини қўллаган ва ўз устида ишлаган ҳолда назарий ва амалий муаммоларни бартараф этувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тушунилади.

Олий таълим тизимида таълим хизматларининг асосий мақсади замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, олий таълим мутахассиси талабларига ўзи танлаган йўналиши юзасидан талабга жавоб бера оладиган республиканинг илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшадиган, мустақил фикрлайдиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашдир.

Олий таълим тизими қуйидагича тузилган:

- хусусий ёки давлат таълим хизматлари қарамоғида эканлигидан қатъий назар таълимий ҳамда касбга тайёрлаш дастурларини давлат таълим стандарти асосида татбиқ этувчи олий таълим муассасалари;
- олий таълим хизматларини ривожланишига зарур бўлган илмий-тадқиқот ишларини олиб борувчи илмий-тадқиқот институтлари;
- давлат томонидан таълим хизматларини бошқарувчи идоралар, шунингдек, уларга қарашли бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар.

Олий таълим муассасалари

Олий таълим муассасалари юридик мақомга эга. Республикамизда олий таълим муассасаларининг қуйидаги кўринишлари бор:

- университет — олий таълим дастурини бажаришда талабаларга эгаллаётган соҳаси бўйича ёки кейинчалик ўқишларини давом эттиришлари учун кенг қамровли билим беришга эътибор қаратиладиган таълим хизмати;

- академия — олий таълим дастурини бажаришда олий таълим бериш билан бир қаторда кейинчалик ўқишларини давом эттиришлари учун аниқ бир йўналишга тайёрлайдиган таълим хизмати;

- институт — барча олий таълим муассасалари каби олий таълим дастурини бажаради, билим беришда бир йўналишга қаратилган билим бериладиган таълим хизмати.

Олий таълимда муассасаларида таълим хизматларидан фойдалана олиш учун нодавлат муассасаларини тузишга қонунчилик рухсат беради.

Ушбу муассасага давлат аккредитацияни аттестациядан тегишли тартибда ўтгандан сўнг берса у ўқитиш ҳуқуқига эга.

Олий таълим муассасаларининг Аттестацияси у давлатга тегишли ёки хусусийлигидан қатъий назар, кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш Бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган, Давлат тест маркази томонидан қабул қилинган педагогик кадрлар ва таълим муассасаларининг аттестациядан ўтказиш Низоми асосида олий таълим муассасаларининг профессор, ўқитувчилар жамоаси аттестациясидан ўтказилади. Аттестация натижаларига кўра исталган олий ўқув муассасаси давлат аккредитациясидан маҳрум этилиши мумкин.

Экстернат — олий таълим дастурига мувофиқ олий таълим муассасасининг ўқитилувчи тартибини кейинги(жорий ва якуний) аттестациягача танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича мустақил ўрганиш.

Масофавий таълим — асосий фаолиятдан узилмаган ҳолда таълим муассасасида таълим хизматларини бир қуриниши бўлиб, узоқда ўқув дастуридаги мавжуд билимларни ўзлаштириш. У замонавий ахборот технологиялари ва телекоммуникациянинг техник воситаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Кундузги ўқитиш бўйича мутахассисларни тайёрлашнинг йўналишлари рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Олий таълимда таълим хизматларининг мақсад ва вазифалари

Олий таълим тизимида таълим хизматларининг асосий мақсади замон талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош, юксак билимли, олий таълим мутахассиси талабларига ўзи танлаган йўналиши юзасидан талабга жавоб бера оладиган республиканинг илм-фан, маданият, иқтисод, ижтимоий соҳаларини ривожлантиришда ўз ҳиссасини қўшадиган мустақил фикрлай оладиган, юксак маънавиятга эга бўлган юқори салоҳиятли мутахассисларни тайёрлашдир.

Олий таълим тизимида таълим хизматларининг асосий вазифаларига қуйидагилар киради:

- давлат таълим стандартига мувофиқ замонавий дастурлар асосида ўқитишнинг сифатини таъминлаш;
- олий малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш;
- илм-фан, маданият, иқтисоднинг замонавий ютуқлари, мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий истиқболини ютуқларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш;
- олий таълимнинг инсонпарварлигини таъминлаш мақсадида ёшлар тарбиясига миллий истиқлол ғояси асосида миллий ва умуминсоний қадриятлар, Ватанга, оилага, атроф-муҳитга муҳаббатни сингдириш;
- ўқитишнинг интерфаол усуллари, педагогик инновацион ҳамда ахборот компьютер технологияларини, мустақил таълим олиш, масофавий таълим тизимини амалиётга жорий қилиш;
- олий таълимда фан ва ишлаб чиқариш механизмларининг уйғунлиги механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш;
- илмий-педагогик кадрлар ва таълим олувчиларнинг илмий- ижодий фаолияти, илмий тадқиқотлари ёрдамида фан, техника, технологияларни ривожлантириш, таълим жараёни орқали мамлакат иқтисодининг ривожланишига ҳисса қўшиш;
- давлат ва нодавлат олий ўқув муассасаларини ривожлантириш асосида таълим хизматлари бозорида рақобатни юзага келтириш;

- олий ўқув муассасаларини бошқариш ва кенгайтиришни такомиллаштириш учун жамоат бошқарувининг васийлик ва кузатувчи кенгашларни киритиш ;

- таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини текшириш учун маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, йўналиши бўйича белгиланган меҳнат билан таъминлаш мониторингини тузиш;

- олий таълим соҳасида икки томонлама фойдали халқаро алоқаларни ривожлантириш.

Олий таълим тизимида таълим хизматлари қуйидагича тузилган:

- давлат ва нодавлат олий таълим муассасаларида таълим дастурининг бажарилиши давлат таълим стандартига мувофиқ йўналишлар ва мутахассисликлар асосида олиб борилади;

- илмий-тадқиқот муассасалари илмий тадқиқот ишларини олий таълимни ҳуқуқий-норматив ва илмий-методик жиҳатдан таъминлаш учун юритишади;

- олий таълимни бошқариш давлат органларининг вакиллари, шунингдек, уларга тегишли корхона, муассаса, ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Самарқанд вилояти олий таълим муассасаларида таълим хизматларининг қуйидаги турлари мавжуд:

Университетда таълим хизматларининг бугунги ҳолати:

- олий ва ундан кейинги таълим учун таълим хизматларининг бир неча йўналишда беради;

- турли соҳалардаги мутахассисларнинг малакасини оширади ва қайта тайёрлайди;

- фаннинг турли йўналишларида фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб боради;

- илм соҳаси билан чамбарчас боғлиқ илмий ва методик марказ ҳисобланади.

Институтларда таълим хизматининг бугунги ҳолати:

- олий ва олий таълимдан кейинги ўқув дастурларини бажаришни таълим ва фаннинг маълум бир меъёрида амалга оширади;
- мутахассисларни маълум бир соҳада қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланади;
- фундаментал ва амалий тадқиқот ишларини олиб боради.

Олий таълим муассасаларида таълим хизматларининг давлат таълим стандартини мутахассислик йўналишлари бўйича бажарилишини, кадрлар тайёрлаш сифати давлат томонидан тайинланган орган олий таълим бошқармаси томонидан назорат қилинади. Педагогик кадрлар ва ўқув муассасаларини аттестациядан ўтказиш, кадрлар тайёргарлиги сифатини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда амалга оширилади.

Олий таълим тизимида таълим хизматларини кўрсатиш икки босқичдан иборат: **бакалаврият ва магистратура таълим босқичлари бўйича таълим хизматларини кўрсатиш.**

Бакалаврият

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби “Олий таълим муассасаларининг бакалавриятига талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом” билан, олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида Низом” билан белгиланади.

Бакалаврият – фундаментал билимлар бериладиган асосий олий таълим хизматлари бўлиб, тўрт йил давом этувчи олий таълимнинг йўналишларидан бири. Бакалавриятда ишлаб чиқаришдан ажратмаган ҳолда

таълим жараёнининг давом этиш муддати бир йилдан кам бўлмаган вақтга узаяди.

Битирувчиларга давлат аттестация натижаларига кўра, бакалаврият таълим дастурининг охирида тайёрлов йўналишига кўра “бакалавр” академик унвони, муносиб кўкрак нишони ва давлат намунасидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

Таълим дастурининг таркибий қисмига, бакалавр тайерлашнинг керакли даражасига, ўқув вазифаларнинг максимал ҳажмига, кадрлар тайёрлаш сифат назоратининг процедура ва механизмларига умумий талаблар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йилда тасдиқланган № 343-чи “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари. Асосий низомлар” қарори билан белгиланади. (№ 15-16, Ўзбекистон Республикаси қонунлар мажмуаси, 104 бет).

Бакалаврнинг профессионал фаолият соҳаси ва тури характеристикаси, квалификацион талаблар ва ўқув фанлари бўйича талаблар, таълим дастурининг структура ва таркиби, уни амалга ошириш механизми ва сифатини назорат қилиш аниқ тайерлов йўналиши бўйича давлат таълим стандартлари орқали белгиланади.

Бакалавриятнинг мос йўналишлари учун, давлат таълим стандартлари асосида, олий таълимни бошқариш бўйича давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар, ўқув фанлари ишлаб чиқилади ва уларга таълим хизматлари курсатилади.

Бакалавриятда бир хил профили (умумий касб хунар тайергарлиги ўхшаш) ўрта махсус, касб хунар таълимига эга бўлган шахсларга, олий таълимнинг шу йўналишидаги ўқув режаларига боғлиқ (кетма-кетликни таъминловчи) таълим хизматлари таълим дастурини тўлиқ эгаллашнинг тезкор имкониятлари берилади.

Ўқув режасига боғлиқ йўналиш рўйхати ва кадрлар тайёрлаш шароитлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Бакалавр:

- йўналиш бўйича лавозимга тайерланган олий маълумотга эга бўлган шахслар билан алмаштирилиши керак бўлган ишга;
- бакалавриятнинг мос келувчи йўналишлар доирасида танлаган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимини давом эттиришга;
- кўшимча профессионал таълимни кадрларни қайта тайерлаш ва малакасини ошириш тизимида олишга тайёр.

Бакалаврларни янги йўналишлари бўйича тайёрлаш ҳуқуқи олий таълим муассасаларининг олий таълимни бошқариш бўйича давлат ваколатли органи расмий илтимосига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Магистратура

“Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг магистратурасига талабаларни қабул қилиш тартиби “Олий таълим муассасаларининг магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисида Низом” билан белгиланади.

Магистратура – бакалаврият асосидаги икки йилдан кам бўлмаган аниқ мутахассислик бўйича олий таълим хизматларининг давоми ҳисобланади. Магистратурада ўқишнинг давомийлиги ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олти ойдан кам бўлмаган вақтга узаяди.

Битирувчиларга давлат аттестация натижаларига кўра, магистратура таълим дастурининг охирида аниқ мутахассислик бўйича “магистр” академик унвони, муносиб кўкрак нишони ва давлат намунасидаги диплом ва унинг иловаси берилади.

Таълим дастурининг таркибий қисмига, магистр тайёрлашнинг керакли даражасига, ўқув вазифаларнинг максимал ҳажмига, кадрлар тайёрлаш сифат назоратининг процедура ва механизмларига умумий талаблар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16 август 2001 йилда тасдиқланган № 343-чи “Олий таълимнинг давлат таълим стандартлари. Асосий низомлар”

қарори билан белгиланади. (№ 15-16, Ўзбекистон Республикаси қонунлар мажмуаси, 2001 йил, 104 бет).

Магистрнинг профессионал фаолият соҳаси ва тури характеристикаси, квалификацион талаблар ва ўқув фанлари бўйича талаблар, таълим дастурининг структура ва таркиби, уни амалга ошириш механизми ва сифатини назорат қилиш магистратуранинг аниқ мутахассислиги бўйича давлат таълим стандартлари орқали белгиланади.

Магистратуранинг мос мутахассислиги учун, давлат таълим стандартлари асосида, олий таълимни бошқариш бўйича давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган ўқув режа ва дастурлар, ўқув фанлари ишлаб чиқилади.

Магистр:

- аниқ мутахассисик бўйича мустақил илмий тадқиқот, илмий педагогик ва бошқарув, профессионал фаолиятини олиб боришга;
- магистратуранинг мос келувчи мутахассислиги доирасида олий таълимдан кейинги аспирантурада давом эттиришга;
- қўшимча профессионал таълимни кадрларни қайта тайерлаш ва малакасини ошириш тизимида олишга тайер.

Олий таълим муассасасида таълим хизматларининг магистратура босқичини очишнинг асосий шarti – бу ўқув тарбиявий жараён билан боғлиқ ва юқори малакали мутахассисларни тайёрланишини таъминловчи мос кафедраларнинг илмий педагогик потенциали мавжудлиги ва илмий тадқиқот ишларини юқори даражада олиб бориш имкониятининг бўлиши.

Магистрларни янги мутахассисликлари бўйича тайерлаш ҳуқуқи олий таълим муассаларининг олий таълимни бошқариш бўйича давлат ваколатли органи расмий илтимосига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этилади.

Олий таълим муассасаси структурасида магистратуранинг махсус бўлими (факультет, марказ) очилади ва унга қуйидаги вазифалар юклатилади:

- талабаларга таълим хизматларини жараёнини ташкиллаштириш ва назорат қилиш, ўқув-услубий ҳужжатлар ва ўқув-услубий таъминотни ишлаб чиқиш;

- магистрлар етиштириб берувчи кафедралар фаолиятини координациялаш;

- магистрлар тайёрлаш процессининг мониторинги.

Олий таълим тизимини бошқариш

Ўзбекистон Республикасида олий таълим тизимининг бошқаруви Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги доирасида олий таълим хизматларини башқариш давлат ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

Олий таълим бошқарув органи Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги ҳисобланади.

Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлигига, таркибида олий таълим муассасалари мавжуд бўлган вазирликлар ва бошқармалар билан биргаликда кўйидаги вазифалар юклатилади:

- бакалавр йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун давлат таълим стандартларини, ўқув режа ва ўқув фанлари дастурларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва босқичма-боқич киритиб бориш, ҳамда республика олий таълим муассасаларида таълим хизматларини самарали ташкил этиш;

- олий таълим йўналиш ва мутахассислик классификаторига зарур бўлганда Ўзбекистон Республикаси вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш;

- олий таълим муассасаси фаолиятининг норматив-ҳуқуқий таъминотини ишлаб чиқиш ва ўқув-тарбиявий жараёни таълим хизматларини турларини купайтириш;

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари ўқув-услубий бошқарувини амалга ошириш;

- олий ва ўрта махсус касб хунар таълими кадрларини тайерлаш, қайта тайерлаш ва малакасини ошириш масалаларини мувоқлаштириш;

- Таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг норматив-услубий интеграциясини таъминлаш.

Олий таълим тизимида таълим хизматларини сифатини бошқаришнинг ижтимоий шакларини ривожлантириш мақсадида олий таълим муассасаларининг ректорлар кенгаши ташкил қилинган бўлиб, унинг фаолияти белгиланган низом билан тартибга солинади.

Олий таълим муассасаларининг бошқаруви Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур низом асосида амалга оширилади.

Олий таълим муассасининг бевосита бошқаруви ректор томонидан амалга оширилади. Давлат олий таълим муассасаси ректори Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан, нодавлат олий таълим муассасалари ректорлари таъсисчилар томонидан тайинланади.

Олий таълим муассасасининг иш натижалари учун тўлиқ жавобгарлик ректор зиммасида туради. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва олий таълим муассаса Низомига кўра, ректор олий таълим муассасаси номидан барча орган ва ташкилотларда фаолият юритади, мол-мулкка белгиланган тартибда эгалик қилади, шартномалар тузади, ишончномаларни тақдим этади, банкда олий таълим муассасасининг ҳисоб рақамини очади ва кредитлар бошқарувчиси ҳисобланади.

Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини амалга оширилишининг алоҳида жавобгарлиги ректор зиммасига юклатилган.

Олий таълим муассасаси ваколатлари доирасида ректор:

- олий таълим муассасаси ишчилар ва талабалари учун мажбурий бўлган буйруқ ва топшириқларни чиқаради;

- проректорларнинг аниқ мажбуриятларини ва масъулиятларини белгилаб беради;

- ишчи ва хизматчиларни, ҳамда илмий педагогик хизматчиларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгилаган тартибда ишга қабул қилади ва ишдан бўшатади;

- олий таълим муассаса таркибига кирувчи бошқа ташкилотлар ва бўлимларининг илмий тадқиқот, тажрибавий-экспериментал компетенциясини аниқлаб беради, ва уларнинг низомларини тасдиқлайди;

- олий таълим муассасалари ишчилари лавозимли маошларини орттиради еки кўшимча тўловларни белгилаб беради;

- касаба уюшмаси қўмитаси ёки бошқа давлат органи билан келишилган ҳолда ишчиларнинг ички тартиб қонун қоидаларини тасдиқлайди;

- Қонунчиликда кўрсатилган бошқа ваколатларни бажаради.

Ректор бюджетдан ажратилган ва ойлик маош фонди маблағлари чегарасида, олий таълим муассасаси хизматчиларининг лавозим маошлари тариф сеткаси ва ойликларга ўрнатилган лимитлардан келиб чиққан ҳолда:

- олий таълимни бошқариш бўйича давлатнинг ваколатли органи билан келишилган ҳолда илмий кенгашнинг маслаҳатига кўра факультетларни очиш ва ёпиш ҳуқуқига эга;

- Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига ажратилган штатларга декан ва декан ўринбосарларини тайинлаш ҳуқуқига эга.

Олий таълим муассасасида таълим хизматлари фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқиш учун илмий кенгаш ташкил қилинади.

Илмий кенгашнинг таркиби, ваколатлари, тартиби ва фаолияти олий таълимни бошқариш бўйича давлатнинг ваколатли органи томонидан тасдиқланган Типовой қарори билан тартибга солинади.

Олий таълим муассасасида ижтимоий бошқарув органи бўлган васийлар кенгаши ташкил қилинади. Унинг таркибига таъсисчилар, маҳаллий ҳокимият органлари, вазирлик ва идора соҳалари, муассаса ва ташкилотлар, бошқа таълим муассасалари, ижтимоий ташкилотлар, фондлар ва ҳомийларнинг вакиллари киради.

Олий таълим муассасаси шу олий таълим муассасаси қошида ташкил топган академик лицейларнинг бошқарувини ва бир хил профилли касб-хунар коллежларнинг ҳомийлигини амалга оширади.

Олий таълим муассасаси ҳақидаги амалдаги қонунчилигига ва Низомига кўра унда ижтимоий ташкилотлар, илмий ва кўнгилли жамиятлар, диссертацияни ҳимоя қилиш кенгашлари, илмий-услубий ва илмий-техник кенгашлар, ҳамда ёш олимлар кенгашини ва шунга ўхшашларни ташкил қилиниши тақиқланади.

Олий таълим муассасаси тасдиқланган ишчилар миқдори ва бюджет чегарасида (давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағлар), талабаларнинг миқдоридан келиб чиққан ҳолда белгиланган тартибда ўз структурасини шакллантиради.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматлари

Олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматлари жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим касб-хунар манфаатларини қаноатлантиришга қаратилган.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматларини олий ўқув юртларида ва илмий-тадқиқот муассасаларида олиш мумкин. Олий ўқув юртидан кейинги таълим диссертация ҳимояси билан якунланади. Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги диплом топширилади.

Якуний давлат аттестацияси натижаларига кўра тегишли равишда фан доктори илмий даражаси берилиб, давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар топширилади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим хизматларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш тадбирлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- «Таълим тўғрисида»ги Қонунга ҳамда мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ олий малакали илмий

ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш;

- касб таълими хизматлари тизими учун олий малакали илмий-педагог кадрларни ҳамда илғор педагогик технологиялар соҳасида илмий кадрларни устувор равишда тайёрлаш;

- ривожланган мамлакатларнинг илғор таълим хизматлари муассасалари ва илмий марказларида устувор йўналишлар бўйича олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрланиши учун шароитлар яратиб бериш;

- фан, технология ва таълим хизматлари соҳасида ривожланган мамлакатлар билан халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Самарқанд вилоятида эса олий ўқув юртлари сони 8 тани ташкил этади булар қуйидагилар:

- Самарқанд давлат университети
- Тошкент ахборот технологиялар университети Самарқанд филиали
- Самарқанд давлат чет тиллар институти
- Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти
- Самарқанд қишлоқ хўжалики институти
- Самарқанд иқтисодий тасвир сервис институти
- Самарқанд давлат тиббиёт институти
- Стоматология институтининг Самарқанд филиали

Ушбу олий таълим муассасаларида нуфузли стипендиялар соҳиблари бўлган талабалар:

Президент стипендиатлари:

Ленара Асанова – Самарқанд давлат университети,

Гулнора Самиева – Самарқанд давлат тиббиёт институти,

Малик Убайдуллаев – Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали.

Алишер Навоий номидаги давлат стипендияси совриндорлари:

Ойдиннисо Насриддинова;

Элдор Сатторов;

Аббос Ўктамов – Самарқанд давлат университети

Абдухалил Бектемиров – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Музаффар Аллаёров – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти

Туронбек Казаков – Самарқанд давлат чет тиллар институти.

Мирзо Улуғбек номидаги давлат стипендияси совриндори:

Алишер Юсупов – Самарқанд давлат университети.

Ибн Сино номидаги давлат стипендияси совриндорлари:

Дилдора Тўғизова;

Шохрух Юсупов;

Шоҳиста Шамсиева;

Равшан Шамсиев – Самарқанд давлат тиббиёт институти.

Беруний номидаги давлат стипендияси совриндорлари:

Ҳакимжон Қўчқоров – Самарқанд қишлоқ хўжалик институти,

Гулноза Муллажонова;

Меҳрож Собиров – Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

2.3.1-жадвал

Самарқанд тиббиёт институтида мавжуд бўлган йўналишлардаги жами грант, контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар сони ҳақида маълумот.

№	Йўналиш номи	Ўзбек		Рус		жами:		
		грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	Жами
1	тиббий педагогик иш	8	32	2	8	10	40	50
2	даволаш иши	44	86	6	14	50	100	150
3	педиатрия иши	35	73	5	12	40	85	125
4	стаматология	8	22	2	8	10	30	40
5	олий хамширалик	13	37	2	8	15	45	60
	жами:	108	250	17	50	125	300	425

Самарқанд тиббиёт институтида 2013-2014 ўқув йилида 5 та йўналишга жами 425 та талаба ўқишга қабул қилинган. Шулардан барча йўналишлар бўйича давлат гранти ўзбек гуруҳларда 108 та, рус гуруҳларда 17 та, жами давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 125 тани ташкил этади. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 300 тани, шундан 250 та ўзбек гуруҳларга, 50 та талаба эса рус гуруҳларга ўқишга қабул қилинганлар.

2.3.2-жадвал

Тошкент ахборот технологиялар университети Самарқанд филиалида мавжуд бўлган йўналишлардаги жами гранд, контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар сони ҳақида маълумот

№	Йўналиш номи	Ўзбек		Рус		жами:		
		грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	Жами:
1	касб таълими: информатика ва ахборот технологиялари	8	12	2	3	10	15	25
2	информатика ва ахборот технологиялари (тармок бўйича)	34	70	11	25	45	95	140
3	Телекоммуникация	12	25	3	10	15	35	50
4	корхоналар сервис (электрон ва компьютер техникаси)	8	22	2	8	10	30	40
	жами:	62	129	18	46	80	175	255

Тошкент ахборот технологиялар университети Самарқанд филиалида 2013-2014 ўқув йилида 4 та йўналишга жами 255 та талаба ўқишга қабул қилинган. Шулардан барча йўналишлар бўйича давлат гранти ўзбек гуруҳларда 62 та, рус гуруҳларда 18 та, жами давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 80 тани ташкил этади. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 175 тани, шундан 129 та ўзбек гуруҳларга, 46 та талаба эса рус гуруҳларга ўқишга қабул қилинганлар.

2.3.3-жадвал

Самарқанд давлат чет тиллар институтида мавжуд бўлган йўналишлардаги жами гранд, контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар сони ҳақида маълумот

№	Йўналиш номи	Ўзбек		Рус		Жами:		
		грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	Жами:
1	хоржий тил ва адабиёт: инглиз тили	95	105	8	32	103	137	240
	филология ва тилларни ўқитиш							
2	филология ва тилларни ўқитиш: инглиз тили	15	20	5	10	20	30	50
3	филология ва тилларни ўқитиш: немис тили	3	10	2	5	5	15	20
4	филология ва тилларни ўқитиш: франсус тили	3	10	2	5	5	15	20
5	филология ва тилларни ўқитиш: корейс тили	3	10	2	5	5	15	20
6	филология ва тилларни ўқитиш: япон тили	3	10	2	5	5	15	20
7	филология ва тилларни ўқитиш: хитой тили	3	10	2	5	5	15	20
8	филология ва тилларни ўқитиш: араб тили	5	10	2	5	5	15	20
9	филология ва тилларни ўқитиш: испан тили	3	10	2	5	5	15	20
10	филология ва тилларни ўқитиш: италян тили	3	10	2	5	5	15	20
11	таржима назарияси ва амалиёти (тиллар бўйича)	12	18	3	18	15	25	40
	Жами:	148	223	32	100	178	312	490

Самарқанд давлат чет тиллар институтида 2013-2014 ўқув йилида 11 та йўналишга жами 490 та талаба ўқишга қабул қилинган. Шулардан барча йўналишлар бўйича давлат гранти ўзбек гуруҳларда 148 та, рус гуруҳларда 32 та, жами давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 178 тани ташкил этади. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 312 тани, шундан 223 та ўзбек гуруҳларга, 100 та талаба эса рус гуруҳларга ўқишга қабул қилинганлар.

2.3.4-жадвал

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида мавжуд бўлган йўналишлардаги жами гранд, контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар сони ҳақида маълумот

№	Йўналиш номи	Ўзбек		Рус		Жами:		
		гранд	контракт	грант	контракт	грант	контракт	жами
1	касб таълими	22	31	3	4	25	35	60
2	касб таълими: бино ва иншоот қурилиши	6	7	3	4	9	11	20
3	касб таълими: муҳандислик коммуникациялари қурилиги ва монтажи	8	12	0	0	8	12	20
4	касб таълими: тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	8	12	0	0	8	12	20
5	дизайн (турлари бўйича)	20	38	5	17	25	55	80
6	менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	4	10	1	5	5	15	20
7	гиодезия, картография ва кадастр (функсиялари бўйича)	38	55	7	10	45	65	110
8	архитектура (турлари бўйича)	26	38	4	12	30	50	80
9	бино ва иншоотлар қурилиши (турлари бўйича)	63	80	12	15	75	95	170
10	шаҳар қурилиши ва хужалиги	17	28	3	12	20	40	60
11	муҳандислик коммуникациялари қурилиши ва монтажи (турлари бўйича)	32	40	8	10	40	50	90
12	қурилиш материаллари, буюимлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш	30	47	5	18	35	65	100
13	автомобил йуллари аэродромлар	25	28	5	12	30	40	70
14	кучмас мулк экспертизаси ва уни бошқариш	22	25	8	10	30	35	65
15	кишлоқ ҳудудларини архитектура лойиҳавий ташкил этиш	42	46	3	9	45	55	100
16	хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	17	33	3	12	20	45	65
	Жами:	358	499	67	146	425	645	1070

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида 2013-2014 ўқув йилида 16 та йўналишга жами 1070 та талаба ўқишга қабул қилинган. Шулардан барча йўналишлар бўйича давлат гранти ўзбек гуруҳларда 358 та, рус гуруҳларда 67 та, жами давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 425 тани ташкил этади. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 645 тани, шундан 499 та ўзбек гуруҳларга, 146 та талаба эса рус гуруҳларга ўқишга қабул қилинганлар.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида мавжуд бўлган йўналишлардаги жами гранд, контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар сони ҳақида маълумот

№	Йўналиш номи	Ўзбек		Рус		Жами:		
		гранд	контракт	грант	контракт	грант	контракт	Жами:
1	касб таълими: иқтисодиёт	10	30			10	30	40
2	иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	8	32		8	10	40	50
3	менежмент (туризм)	4	36	2	9	5	45	50
4	маркетинг (туризм)	4	36	1	9	5	45	50
5	Молия	4	36	1	9	5	45	50
6	банк иши	5	20	1		5	20	25
7	бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	8	32	2	8	10	40	50
8	хизматлар соҳаси (фаолият турлари ва йўналишлари бўйича)	8	32	2	8	10	40	50
9	меҳмонхона хужалигини ташкил этиш ва бошқариш	8	42	2	8	10	50	60
10	туризм фаолият йўналишлари бўйича	8	32	2	8	10	40	50
	Жами:	67	328	13	67	80	395	475

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 2013-2014 ўқув йилида 10 та йўналишга жами 475 та талаба ўқишга қабул қилинган. Шулардан барча йўналишлар бўйича давлат гранти ўзбек гуруҳларда 67 та, рус гуруҳларда 13 та, жами давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 80 тани ташкил этади. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 395 тани, шундан 328 та ўзбек гуруҳларга, 67 та талаба эса рус гуруҳларга ўқишга қабул қилинганлар.

2.3.6-жадвал

Самарқанд давлат университети институтида мавжуд бўлган йўналишлардаги жами гранд, контракт асосида ўқишга қабул қилинган талабалар сони ҳақида маълумот

№	Йўналиш номи	Ўзбек		Рус		Тожиқ		Жами:		
		грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	грант	контракт	жами
1	информатика уқитиш методикаси	10	15					10	15	25
2	касб таълими: электро техника ва асбобсозлик	5	10					5	10	15
3	математика	31	37	6	9	8	9	45	55	100
4	амалий математика ва информатика	23	27	7	13			30	40	70
5	механика	20	30					20	30	50
6	меҳнат таълими	15	25			5	5	20	30	50
7	физика	30	35	6	9	9	11	45	55	100
8	астрономия	10	15					10	15	25
9	кимё	15	45	5	10			20	55	75
10	биология (турлари бўйича)	19	39	8	14	8	12	35	65	100
11	География	15	20	5	10			20	30	50
12	Геометралогия	10	20					10	20	30
13	филология ва тилларни уқитиш: узбек тили	35	65					35	65	100
14	филология ва фанларни уқитиш: рус тили			20	30			20	30	50
15	касб таълими: иктисодиёт	5	10					5	10	15
16	иктисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	5	35					5	35	40
17	кадрлар менежменти	5	20					5	20	25
18	бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш	32	38	8	10	10	12	50	60	110

19	миллий гоя, маънавият асослари	20	30					20	30	50
20	тарих (мамлакатлар ва минтакалар буйича)	30	45	5	10			35	55	90
21	Археология	10	15					10	15	25
22	психология (фаолият турлари буйича)	10	40					10	40	50
23	она тили ва адабиёт (рус тили ва адабиёти узга тили гуруҳларга)			20	30			20	30	50
24	экалогия ва атроф мухит муҳофазаси (тармоклар буйича)	10	20					10	20	30
25	касб таълими: амалий санъат	10	10					10	10	20
25	музыка таълими	10	20					10	20	30
27	ихтимой иш (фаолиятининг турли сохалари буйича)	10	30					10	30	40
28	жисмоний маданият	30	40	5	15			35	55	90
29	спорт фаолияти (хотин кизлар спорти йўналиши буйича)	15	20					15	20	35
30	тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси	15	35					15	35	50
31	филология ва тилларни ўқитиш: тожик тили					15	25	15	25	40
	Жами:	455	791	95	160	55	74	605	1025	1630

Самарқанд давлат университети институтида 2013-2014 ўқув йилида 31 та йўналишга жами 1630 та талаба ўқишга қабул қилинган. Шулардан барча йўналишлар бўйича давлат гранти ўзбек гуруҳларда 455 та, рус гуруҳларда 95 та, жами давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 605 тани ташкил этади. Шартнома асосида ўқишга қабул қилинганлар сони 1025 тани, шундан 791 та ўзбек гуруҳларга, 160 та талаба эса рус гуруҳларга ўқишга қабул қилинганлар.

Самарқанд вилоятида жойлашган олий таълим муассасаларидаги фан докторлари ва фан номзодлари сони

№	Олий ўқув юртлари номи	Олий ўқув юртлари					
		2013 йил (киши)		2014 йил (киши)		2013 йилни 2014 йилга нисбати % да	
		Фан докторлари	Фан номзодлари	Фан докторлари	Фан номзодлари	Фан докторлари	Фан номзодлари
	Жами:	156	805	154	912	98,7	113,3
1	Самарқанд Давлат университети	70	334	13	82	18,6	24,6
2	Самарқанд Иқтисодиёт ва сервис институти	13	75	15	123	115,4	164,0
3	Самарқанд Давлат тиббиёт институти	47	170	44	175	93,6	102,9
4	Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти	14	124	22	129	157,1	104,0
5	Самарқанд Давлат чет тиллар институти	8	54	51	339	637,5	627,8
6	Самарқанд Қишлоқ хўжалик институти	3	32	4	22	133,3	68,8
7	Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали	1	16	5	42	500,0	262,5

2013-2014 ўқув йилида Самарқандда жами 7 та олий ўқув юртларида 156 та фан доктори, 805 та фан номзоди мавжуд. Талабалар бўйича биринчи ўринда Самарқанд Давлат унверситети эгаллаган бўлиб унверситетда жами 2012-2013 ўқув йилида талабалар сони 7739 тани ташкил этган. Кейинги ўринни эса Самарқанд Қишлоқ Хўжалиги институти 4210 та талаба сони билан банд этган.

2013-2014 ўқув йилида олийгоҳларни 5708 нафар талаба тугатиб, шулардан 1726 таси грант асосида тугатганлардир, шулардан ишлашга йўлланма олганлар сони 1439 тани ташкил этади. Шундан бакалавриатдан 1313 та, магистратурадан 126 тани ташкил этди. 112 таси магистратурага ўқишга кирган. Хозирги кунда Самарқанд вилоятида олий ўқув юртларидаги талабалар сони 25052 тани ташкил этиб, шулардан 23841 таси бакалавриат, 1211 таси магистратурада таҳсил олмоқда.


2014-2015 ўқув йилида Самарқанд вилоятида жойлашган олий ўқув юртларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилари – 2 600 нафарни, фан докторлари – 176 нафарни, фан номзодлари – 948 нафарни ташкил этган.

ХУЛОСА

Ўтган йили олий таълим муассасаларига қабул қилишнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди, яъни тест синовларига информатика бўйича саволлар киритилди, мутахассисликка оид фанлар бўйича баҳолаш баллари оширилди. Бу эса олий ўқувюртларига танлаган касбини ҳисобга олган ҳолда, энг яхши тайёргарлик кўрган абитуриентларни саралаб олиш имконини беради.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки бугунги кунда таълим хизматлари кўрсатишда республикада 65 та олий ўқувюрти, жумладан, 59 та олий таълим муассасаси, Халқаро Вестминстер университети, Россиянинг Г.Плеханов номидаги давлат иқтисодиёт университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиаллари фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон республикасида жойлашган олий ўқув юртлари сони



Биргина Самарқанд вилояти мисолида оладиган бўлсак, мактабгача таълим муассасалари 556 та, умум таълим мактаблари сони эса 1233 та, касб-хунар коллежлари 161 та, академик лицейлар сони 14 та, олий ўқув юртлари сони эса 8 тани ташкил этади.

Таълим тизими ривожланишининг қатор кўрсаткичлари бўйича Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатларидан илгарилаб кетган. Сўзимизнинг мисоли сифатида айтишимиз мумкинки биз учун ғоят қувончли томони шундаки, таълим соҳасидаги инновациялар кўрсаткичи бўйича Ўзбекистон рейтинг кўрсаткичи бўйича 75,38 балл билан дунёда иккинчи ўринни эгаллаган. Биринчи ўринни эса 75,70 балл билан Ирландия банд этган.

Собик иттифоқ ҳудудидаги бошқа мамлакатлар ҳақида фикр юритадиган бўлсак, улар рейтинда қуйидагича жойлашган: Козоғистон 69-ўринда, Қирғизистон 72-ўринда, Арманистон 85-ўринда, Грузия 87-ўринда, Тожикистон 107-ўринни банд этган.

3-БОБ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

3.1 Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактабларида таълим хизматларини ривожлантириш йўллари

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашнинг изчил механизми яратилганини, унинг дастлабки ва муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари тизимига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълими хизматларини ривожлантириш дастурини ҳаётга татбиқ этиш давомида замон талабларига жавоб берадиган, барча жабҳаларда мамлакатимизни изчил ривожлантиришни таъминлаш шарт-шароитларига мос келадиган, бутун дунёда эътироф этилган.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида 217 умумтаълим мактабини реконструкция қилиш ва 164 тасини капитал таъмирлаш, 159 академик лицей ҳамда касб-ҳунар коллежини реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, олий таълим муассасаларининг 45 объектини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда капитал таъмирлаш режалаштирилган. Уларнинг барчаси компьютер техникаси, ўқув-лаборатория жиҳозлари ва бошқа инвентарлар билан таъминланади. Шунингдек, 55 мусиқа ва санъат мактаби, 116 болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда уларни барча зарур жиҳозлар билан таъминлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда юртимиздаги беш мингдан зиёд мактабгача таълим даргоҳида 580 минг нафардан ортиқ ўғил-қиз тарбияланмоқда. Авваламбор Мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматларини ташкил этиш, ривожлантириш мақсадида болаларга бошланғич таълим-тарбия бериш ва уларни мактабга тайёрлашнинг муқобил шакллари – қисқа муддатли ўқув гуруҳлари, саводхонлик марказлари, якшанба мактаблари, мактабдан

ташқари таълим муассасалари ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Уларнинг барчаси зарур жиҳоз ва ўқув-услубий воситалар, болаларнинг қобилиятини ривожлантирадиган мантиқий интеллектуал ўйинчоқлар билан таъминланган бўлиши зарурдир.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматларини ривожлантириш мақсадида муассаса қошида таълим хизматлари маслаҳат марказларини ташкил этиш жоиздир. Ушбу марказда мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг ва имконияти чекланган болаларнинг аклий интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб уларга таълим хизматларини қайси турлари билан шуғулланиши ҳақида ота-оналарга зарур маслаҳатлар берилади.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 10 декабрда қабул қилинган «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматларини ривожлантириш мақсадида ихтисослашган тўғарақлар ташкил этиш, болажонларга хорижий тиллар ўргатиш мақсадида таълим хизматларини ташкил этиш керак.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматларининг асосий йўналишлари:

• <i>Ўқиш</i>	• <i>рақс</i>	• <i>экология</i>
• <i>хуснихат</i>	• <i>музика</i>	• <i>психология</i>
• <i>математика</i>	• <i>расм чизиш</i>	• <i>француз тили</i>
• <i>инглиз тили</i>	• <i>у-шу</i>	• <i>логопедия</i>

Хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан яқин алоқалар таълим хизматлари тизимини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Хусусан, ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда мактабгача таълим хизматлари тизимини такомиллаштириш, соҳага илғор услублар ва

замонавий ахборот технологияларини жорий этиш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширишни ривожлантириш зарур.

«Бола шахсига йўналтирилган таълим» лойиҳаси доирасида мактабгача таълим муассасалари зарур методик қўлланмалар, дастурий воситалар билан таъминлаб бориш мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматларини ривожлантиришнинг асосий масалаларидан биридир.

БМТ Болалар жамғармасининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари Роберт Фудерич Ўзбекистонда таълим хизматлари тизими изчил ривожланаётганини қайд этиб, соҳада амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаларини юксак баҳолади.

Ўзбекистонда таълим хизматлари соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислох қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурлар амалга оширилмоқда, – деди Р.Фудерич. – Мазкур халқаро анжуман Ўзбекистон таълим хизматлари тизимининг ўзига хос модели, изчил ислохотлар натижасида қўлга киритилган ютуқлар билан танишиш, соҳада фикр ва тажриба алмашиш имконини бераётир. ЮНИСЕФ Ўзбекистонда бола ҳуқуқларини таъминлаш, уларни соғлом ва баркамол этиб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юксак баҳолайди ва қўллаб-қувватлайди.

Мактабгача таълим муассасаларида таълим хизматларини такомиллаштириш, ривожлантиришнинг яна бир асосий масалаларидан бири бу педагоглар малакаси ва маҳоратини ошириш, таълим жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишдир.

Боланинг дастлабки билим ва кўникмалари, илк маънавий-ахлоқий қарашлари шаклланишида мактабгача таълим муассасаларининг ўрни беқиёс, дейди АҚШнинг Yale университети вакили Ян Ван Равенс.

Ўзбекистонда таълим хизматлари соҳасини ривожлантириш, болаларнинг ҳар томонлама баркамол бўлиб улғайиши учун барча шарт-шароит яратилаётгани эътиборга сазовордир.

3.1.1-жадвал

Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари ва умум таълим мактабларида таълим сифат кўрсаткичлари					
№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	Мактабгача таълим муассасалари сони	Бирлик	103	103	90
2	Тарбияланувчилар сони	Минг киши	16,5	16,5	13,5
3	Умум таълим мактаблари сони	Бирлик	85	71	65
4	Ўқувчилар сони	Минг киши	62,4	59,8	62,1
5	Умум таълим мактабларида 1-сменада ўқиш даражаси	%	66,5	66,5	66,8
6	1-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим муассаси билан қамраб олиниши	%	69,5	90	90
7	Ўқититувчининг маълумотлилиқ даражаси (Олий маълумотли ўқитувчиларнинг салмоғи)	%	86,7	86,4	86,4
8	Умум таълим мактабларининг дарсликлар билан таъминланганлик даражаси	%	98,6	99,2	99,2
9	Умум таълим мактабларининг компьютер билан таъминланганлик даражаси	%	53,8	53,8	53,8

Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳридаги мактабгача таълим муассасалари ва умум таълим мактабларида таълим сифат кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлардан кўриниб турибдики давлат тассаруфида бўлган мактабгача таълим муассасалари сони 2014 йилга нисбатан, 2015 йилда 13 тага камайган яъни, 90 тани ташкил қилган. Табиийки тарбияланувчилар сони ҳам камайган. 2014 йилда тарбияланувчилар 16,5 минг киши бўлган бўлса, 2015 йилда 13,5 минг кишига етган.

Умум таълим мактаблари сони эса 2014 йилда 71 та 2015 йилда 65 та бўлишига қарамасдан ўқувчилар сони 59.8 кишидан 62.1 кишига кўпайган. Умум таълим мактабларида 1-сменада ўқитиш бўйича кўрсаткичлар 66 % кўрсатмоқда. 1-6 ёшдаги болаларни мактабгача таълим

муассаси билан қамраб олиниши 2013 йилга 69.5 % бўлган бўлса, 2014-2014 йилларда бу кўрсаткич 90% бўлган. Умум таълим мактабларидаги ўқититувчининг маълумотлилиқ даражаси (Олий маълумотли ўқитувчиларнинг салмоғи) 86.7 % ташкил этган. Деярли ҳар 3 йилда ҳам бу кўрсаткич ўзгармаган. Умум таълим мактабларининг дарсликлар билан таъминланганлик даражаси ҳар 3 йилда ҳам 99.2 % ни, умум таълим мактабларининг компьютер билан таъминланганлик даражаси 53.8 % бўлган.

Мактабгача таълим

Мактабгача таълим муассасалари – 556 та

Хусусий боғчалар – 13 та

Ташкилотларга қарашли боғчалар – 5 та

Тарбияланувчилар – 60 минг нафардан ортиқ

Тарбиячилар – 4 минг 23 нафар

3.1.2-жадвал

Самарқанд вилоятида жойлашган хусусий мактабгача таълим муассасалари ва уларнинг кўрсатаётган таълим хизматлари тури ҳақида маълумот.

№	Мактабгача таълим муассасаси номи	Манзили	Ташкил этилган сана	Давлат томонидан берилган литцензиянинг амал қилиш муддати	Таклиф этилаётган таълим хизматлари тури
1	Хулқар	Самарқанд шаҳар Ал-Хоразмий кўчаси 2- уй	08.02.2011	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш расм чизиш жисмоний тарбия
2	Асалина-Гузалина	Самарқанд ш. Беруний кўчаси 115-уй	08.02.2011	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш расм чизиш
3	Регистон Юлдузи	Самарқанд шаҳар Устабаева кўчаси 35-уй	23.02.2012	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш хусни-хат расм чизиш жисмоний тарбия
4	Алижон ва Манзура	Самарқанд ш. Спитамин шох кўчаси	26.12.2012	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш хусни-хат расм чизиш

		2-тупик 102-уй			жисмоний тарбия
5	Самарқанд кўзмунчоғи	Самарқанд вилояти Челақ кўчаси 70-уй	03.01.2013	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш хусни-хат расм чизиш жисмоний тарбия
6	Шахзода	Самарқанд. Мухаммадиева кўчаси 4-уй	27.05.2013	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш хусни-хат расм чизиш жисмоний тарбия
7	Ганжина Гулирух Асалина	Самарқанд шаҳар Мир Саид Барақа 2-тор кўча 3-уй	25.11.2013	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш хусни-хат расм чизиш жисмоний тарбия
8	Темур Файз	Самарқанд Ф.Йўлдошев ўғли кўчаси 21-уй	31.07.2014	5 йил	Инглис тили рус тили ўқиш хусни-хат расм чизиш жисмоний тарбия

Самарқанд вилоятида жойлашган хусусий мактабгача таълим муассасалари йилдан йилга ортиб бормоқда. Уларда кўрсатилаётган таълим хизматлари сони эса кўпаймоқда. Бунга сабаб таълим муассасалари ўртасида рақобатнинг вужудга келаётганлигидир.

3.2 Академик литцей ва касб-хунар коллежларида таълим хизматларини ривожлантириш истикболлари

Бизнинг фикримизча, таълим хизматлари тизимида иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, такомиллаштириш муаммоларини ҳал этиш бир неча жиҳатларни аниқлаб олишни талаб этади. Биринчи масала, ушбу муаммони ҳал этишдан асосий мақсад нимадан иборат. Ҳозирги даврда бу масалага икки ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашувда таълим хизматлари жараёнининг барча иштирокчиларига (таълим муассасалари, профессор-ўқитувчилар, ўқувчилар, уларнинг ота-оналари, корхоналар) иложи борида кўпроқ танлаш эркинлигини бериб, ундан сўнг эса бозор механизмига ишониб, уларни ўзларига топшириш. Ушбу ёндашув либерал ёндашув дейилади.

Иккинчи ёндашув эса, нафақат таълим хизматлари соҳасида балки таълим олишда ҳам тенг ҳуқуқларни таъминлашни назарда тутди. Бу ёндашув ижтимоий ёндашув дейилади.

Ўзбекистон Республикасида таълим хизматлари соҳасидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда келтирилган икки ёндашувнинг синтездан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш даврида, ҳали янги иқтисодий тизим тўлиқ шаклланмаган шароитда либерал ёндашувга асосланиш мумкин эмас эди, зеро бу даврда ҳали бозор механизми (нарх, рақобат) тўлиқ ишга тушмаганлигини кўриш мумкин. Ўз навбатида ижтимоий ёндашувга тўлиқ асосланишга мамлакат молиявий ресурсларининг чекланганлиги имкон бермас эди.

Иккинчи масала таълим хизматларида иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг мезонини аниқлаб олиш. Таълим хизматлари иқтисодий муносабатларни ривожлантиришнинг мезони бўлиб таълим хизматлари сифати ҳисобланади.

Таълим хизматларини ривожлантириш таълим тизимини қандай усуллар ва воситалар ёрдамида молиявий таъминлаш муаммосини ҳал этишни талаб этади. Бу масала мамлакатимизда долзарб аҳамият касб этади.

3.2.1-расм

Ўзбекистон республикасида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассаса фаолиятини маблағ билан таъминлаш



Бу ҳолат таълим тизимида молиялаштиришнинг янги усуллари, воситалари ва манбаларидан кенг фойдаланишни талаб этади.

Таълим хизматларини ривожлантириш йўналишларини белгилашда куйидаги ҳолатларни инобатга олиш зарур:

- таълим тизимининг, шу жумладан таълим хизматларини ривожланиши мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқ ва у тўғри пропорционал тавсифга эгаллигини;
- мамлакатимизда бозор талаблари ва халқаро андозаларга мос келадиган таълим хизматлари тизими барпо этилган ҳолда, ҳозирги даврда асосий вазифа унинг самарадорлигини оширишдан иборат эканлигини.

Таълим хизматларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири таълимнинг узлуксизлигини таъминлашдир. Кадрлар тайёрлаш

миллий дастурига биноан мамлакатимизда мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, олий ва ундан кейинги таълимни ўз ичига қамраб олувчи янги узлуксиз ва изчил таълим хизматлари тизими янада ривожлантиришдир.

Энг аввало таълим хизматларини ривожлантиришда кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича рақобатбардош таълим муассасалари вужудга келтирган ҳолда таълим муассасаларида рақобатни ташкил этишдир. Бироқ, ҳозирги даврда жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар узлуксиз таълимга кенгроқ ёндашувни талаб этмоқда. Чунки бугунги кунда техника соҳасидаги инновациялар ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни бошқариш ва мутахассисларни тайёрлашда ўзгаришларга олиб келмоқда. Бундай вазиятда таълим хизматлари тизими талаб қилинадиган сифат даражасида мутахассисларни тайёрлаш билан жавоб қайтариш имкониятига эга бўлиши лозим.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, доимий равишда тез суръатларда кўпайиб ва ўзгариб боровчи ахборотлар таълим хизматлари соҳасидаги ўзгаришларни рағбатлантирувчи етакчи омил бўлиб ҳисобланади. Бу ўзгаришлар жадал суръатларда рўй бераётганлиги сабабли таълим хизматлари тизими уни тўлиқ ўзлаштира олмаяпти. Шу боис малакавий билимларни доимий равишда янгилаб бориш инсоннинг умри бўйи узлуксиз таълим хизматлари дан фойдаланиш заруриятини тақозо этмоқда. Бу ҳолат билим олиш ва малакани оширишнинг янги шакллариининг вужудга келиши ва таълим хизматлари кўламларининг кенгайишига олиб келмоқда.

Мамлакатимизда ушбу йўналиш таълим хизматлари муносабатларнинг негизини ташкил этувчи мулкый муносабатларни ривожлантиришни назарда тутди. Чунки фақат давлат мулкига асосланган таълим хизматлари рақобат муҳитини шакллантириш мушкулдир.

Ушбу ҳолат таълим хизматларининг сифатига ҳам таъсир этмай қолмайди. Демак, таълим хизматларида давлат назоратини сақлаб қолган

ҳолда турли мулкчилик шаклларига асосланган таълим муассасаларини вужудга келтириш мақсадга мувофиқдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида мамлакатимизда «давлат ва нодавлат муассалари ривожлантирилади, таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатга асосланган муҳит вужудга келтирилади, таълим хизматлари давлат йўли билан бошқарилиб борилади» деб қайд қилинган. Бироқ, ушбу йўналишда ҳали ижобий силжишлар кўзланган даражада эмас. Таълим узлуксизлигини таъминлаш йўлида билим олиш, малакани оширишнинг ноанъанавий шакллари хам ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

3.2.1-жадвал

**Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳрида жойлашган академик
лицей ва касб-хунар коллежларда таълим сифат кўрсаткичлари
таҳлили**

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2015 йил
1	Коллежлар сони	Бирлик	28	28	28
2	Талабалар сони	Минг киши	37,8	39,5	
3	Лицейлар сони	Бирлик	12	12	12
4	Талабалар сони	Минг киши	11,6	10,2	
5	ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг касб мутахасислиги бўйича ишга жойлаштирилиши даражаси	%	91,4	69	69
6	ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг о.ў.ю. кириш даражаси	%	5,8	7,7	7,7
7	Халқаро мусобақаларда совринли ўринларни олган спортчилар сони	Киши	64	68	68
8	Шу жумладан қиз болалар	киши	11	15	15

Самарқанд шаҳридаги коллежлар сони 2013-2014-2015-йилларда 28 та, лицейлар сони эса 12 та бўлган. Ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг касб мутахасислиги бўйича ишга жойлаштирилиши

даражаси 2013-йилда 91.4 % 2014-йилда 69 % бўлган. Бу кўрсаткичнинг йилдан йилга пасайиб боришига сабаб ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг о.ў.ю. кириш даражаси йилдан йилга ўсишидир.

3.2.2-жадвал

Самарқанд вилоятидаги кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш таълим хизматларини кўрсатиб келаётган хусусий ўқув марказлари ва уларнинг таълим хизматлари тури

№	Кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш муассасаси номи	Манзили	Ташкил этилган сана	Давлат томонидан берилган литцензиянинг амал қилиш муддати	Таклиф этилаётган таълим хизматлари тури
1	Интелект инвест	Самарқанд вилояти Охунбабаев кўчаси 6-уй	28.08.2011	5 йил	Табиий ва махсус фанлар бўйича абитуриентлар тайёрлаш хорижий тилларни ўргатиш
2	Махорат орзу	Самарқанд шаҳар Беруний кўчаси 32-а-уй	16.11.2011	5 йил	Табиий ва махсус фанлар бўйича абитуриентлар тайёрлаш хорижий тилларни ўргатиш мохир қўллар пазандачилик
3	Самарали ўқиш	Самарқанд шаҳар Амир Темур кўчаси 9-уй	11.04.2012	5 йил	Табиий ва махсус фанлар бўйича абитуриентлар тайёрлаш хорижий тилларни ўргатиш компьютер сабоқлари
4	Алгоритм зиё нур	Самарқанд шаҳар А. Навоий кўчаси 58-уй	12.06.2012	5 йил	Табиий ва махсус фанлар бўйича абитуриентлар тайёрлаш хорижий тилларни ўргатиш компьютер сабоқлари
4	Самарқанд билим орзу	Самарқанд шаҳар А. Жомий кўчаси 63-уй	08.04.2013	5 йил	Табиий ва махсус фанлар бўйича абитуриентлар тайёрлаш хорижий тилларни ўргатиш компьютер сабоқлари мохир қўллар пазандачилик қандолатчилик карвинг саънати
6	Илим Жавохир	Самарқанд шаҳар буйик ипак йўли кўчаси 13-а-уй	10.06.2013		Табиий ва махсус фанлар бўйича абитуриентлар тайёрлаш хорижий тилларни ўргатиш компьютер сабоқлари

3.3 Олий таълим муассасаларида таълим хизматларини ривожлантириш муаммолари ва уларнинг ечимлари

Мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишнинг учинчи босқичида «тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш»¹⁰ мақсад қилиб қўйилган.

Агарда давлатнинг таълим тизими соҳасидаги харажатлари ялпи ички маҳсулотнинг 5 фоизидан ошмаса, унда миллат интеллектуал деградацияга мубтало бўлади ва унинг ривожланишига хавф мавжуд деб қаралади¹¹.

Ресурсларнинг тақсимланиши нарх механизми орқали рўй беради. Таълим соҳасида ҳам у грант асосида ҳамда хусусий таълим хизматлари эса аксинча, нарх механизми воситасида тақсимланади. Ўзбекистонда республикасида таълим тизимининг ўзига хос хусусияти давлат мулки хиссасининг юқорилигидир. Таълим асосини ташкил этувчи билимнинг ўзига хос тарафи унинг истеъмол қилиниши билан йўқ бўлиб кетмаслиги, балки, инсонда гавдаланиши ва ошиб боришидадир.

Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- уларнинг ҳар хил неъмат турларига тегишли эканлиги;
- неъмат сифатида чекланмаганлиги;
- истеъмол қийматига эгалиги, таълимга бўлган эҳтиёжларни қондирувчи ўзига хос товар эканлиги (моддий тавсифга эга эмаслиги, сақлаш ва йўқ қилиб ташлашнинг мумкин эмаслиги);
- таълим хизматларининг индивидуал тавсифга эга эканлиги;
- таълим хизматларини кўрсатиш ва истеъмол қилиш жараёнининг бир вақтнинг ўзида рўй бериши;

¹¹ Ходжабекян В., Маркосян А. Экономическая безопасность стран. // Общество и экономика. - Москва. 2005 - № 1 - С. 49.

➤ истеъмолчиларнинг таълим хизматларининг кўрсатилиши жараёнида бевосита иштирок этиши;

➤ таълимга сарфланадиган харажатлардан оладиган самарани миқдор жихатидан баҳолашнинг қийинлиги;

➤ таълим хизматларига талабнинг юқори даражада эгилувчанлиги.

Шу боис, таълим хизматларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилашда, биринчидан, мамлакатимизда таълим хизматларининг етакчи субъекти бўлган таълим муассасаларининг ҳозирги ҳолати ва улардаги мавжуд муаммолар, иккинчидан, эса ҳозирги даврда олий таълимнинг мазмуни ва уни ташкил этишдаги ўзгаришларни эътиборга олиш зарур. Чунки бу ўзгаришлар фан-техника тараққиётининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги даврда таълим муассасалари ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда таълим хизматларини таклиф эта олмайдилар. Улар таълим хизматларини меҳнат бозорини ўрганиб, ҳамда истеъмолчиларнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишлари лозим. Ушбу вазиятни олий таълим муассасалари англаб етган ҳолда ўз фаолиятларини режалаштиришлари зарур.

Хусусан, таълим хизматлари ўзига хос неъмат сифатида хусусий ва ижтимоий турларга бўлинади. Агар инсон томонидан истеъмол қилиниб, бир вақтнинг ўзида бошқа инсон ундан фойдалана олмаса, бу ҳолатда таълим хизматлари хусусий неъмат сифатида ўзига хослик касб этади ва рақобат тамойилларига асосланади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим хизматларини хусусий неъмат сифатида такрор ҳосил қилиш бозор муносабатлари асосида амалга оширилади.

Агар неъмат инсон томонидан истеъмол қилиниб, айти пайтда бошқа инсонлар томонидан ҳам истеъмол қилиниши мумкин бўлса, унда таълим хизматлари ижтимоий неъмат ҳисобланади. Ижтимоий неъматлар ўзига хос рақобат объекти ҳам эмас.

Таълим хизматларининг турли мезонлар асосида туркумланиши

Мезонлар	Таълим хизматлари турлари
1.Ўзига хос неъмат сифатида	1.1. Хусусий неъмат 1.2. Ижтимоий неъмат
2.Ўрин босарлик даражаси	2.1 Ўзаро ўрин босар хизматлар 2.2. Ўзаро тўлдирувчи хизматлар 2.3. Мустақил хизматлар
3. Истеъмолчига таълим хизматлари кўрсатиш	3.1. Пуллик хизматлар 3.2. Пулсиз хизматлар

Таълим хизматларининг ўрин босарлик даражасига кўра, ўзаро ўрнини босувчи, тўлдирувчи ва мустақил шаклларга ажратиш мумкин. Ўзаро ўрин босар таълим хизматларига талабнинг ошиши у билан боғлиқ хизматнинг бошқа турига талаб камайишига, ўзаро тўлдирувчи хизматларда эса бирор-бир хизматга талаб ортиши бошқа хизматларга талаб ошишига олиб келади. Масалан, таълим жараёнида ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш техникага хизмат кўрсатиш хизматларига талабни оширади. Мустақил таълим хизматларига эҳтиёж бошқа хизматлар билан боғлиқ бўлмайди. Таълим хизматлари турларидан таълим тизимининг хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш ва таълим муассасалари фаолиятини режалаштириш жараёнида фойдаланиш мумкин.

Олий таълим тизимида таълим хизматларини ташкил этиш ва унинг ривожланишини белгилаб берувчи омиллари асосида шуни қайд этиш лозимки, таълим хизматларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун инвестицияларнинг чекланганлиги, олий ўқув юртларининг етарлича мустақил эмасликлари ва улар ўртасида рақобатнинг йўқлиги асосий муаммолардан бири бўлиб ҳисобланади. Молиявий ва институционал чекловлар потенциални яхшилаш рағбатларини яратиш имконини бермайди.

Олий ўқув юртлари ўртасида таълим хизматларининг харидори талаба учун кураш йўқ ва ўз-ўзидан таълим сифатини ошириш рағбатлари мавжуд эмас. Олий таълимнинг кенг даражада давлат томонидан тартибга солиниши унинг янги талаблар ва муаммоларга мос тарзда жавоб бера олишига йўл қўймайди. Шунинг таъкидлаш керакки олий мактабни ислох қилишнинг концептуал йўналишларининг асосийлари қуйидагилардир:

1. Таълим хизматларини давлат томонидан тартибга солишни чеклаш ва олий ўқув юртларининг автономлигини уларнинг академик соҳада, кадрлар сиёсати, қабул тартиби ва молиялаштириш масалаларидаги ваколатларини кенгайтириш орқали ривожлантириш. Бутун тизим доирасида эҳтимолий хавфларни камайтириш ва хатоликларга йўл қўймаслик мақсадида автоном бошқарувнинг янги принципларини жорий этишни дастлаб мамлакатдаги етакчи идоравий ва корпоратив олий ўқув юртларида синаб кўриш мақсадга мувофиқдир;

2. Хусусий таълимни ривожлантириш, бу эса олий таълим тизимида таълим хизматларини молиялаштиришнинг янги манбаларини жалб қилиш имконини беради ва рақобатни ривожлантиришга ёрдам беради. Бунинг учун қонунчиликдаги зиддиятларни бартараф этиш ва Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонуни 6-моддасига олий ўқув юртларига юридик шахс ҳуқуқини, таълим фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини бериш ва аккредитациядан ўтиш тартибини аниқ белгилаб берувчи ўзгартиришлар киритиш лозим;

3. Олий таълим тизимида таълим хизматларини молиялаштиришнинг янги усулларига ўтиш, молиялаштириш йўналишлари, турлари, усулларини кенгайтириш. Корхоналар ва бизнесдан маблағ киритилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш. Мақсадли буюртма доирасида жон бошига нормативлардан фойдаланиш ва олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувлар таркиби меҳнатига ҳақ тўлашда дарсбай-соатбай усулдан воз кечиш.

Таълим хизматлари муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан бири таълим хизматларининг сифатини оширишдан иборат. Таълим хизматларининг сифати уни истеъмолчига кўрсатувчи таълим муассасалари фаолиятини самарали ташкил этишга боғлиқдир.

Айни пайтда таълим хизматларининг сифатини ошириш йўли билан унинг рақобатбардошлиги таъминланади. Таълим хизматларининг рақобатбардошлилиги бу уларнинг таълим хизматлари бозорининг талабларига жавоб бериш қобилияти ва уларнинг бозорда сотилишидир. Ушбу жараёнлар асосида маълум тавсифдаги эҳтиёжларни қондириш имкониятларини берувчи хусусиятлар ётади. Таълим хизматларининг рақобатбардошлиги уларни бошқа шу турдаги хизматларга солиштириш асосида аниқланади. Бу асосан қуйидаги икки параметр орқали амалга оширилади: таълим хизматларининг аниқ эҳтиёжга мослиги ва бу эҳтиёжни қондириш харажатлари. Таълим хизматларининг рақобатбардош бўлиши, яъни талабни қондириши учун уларнинг сифати истеъмолчига мос келиши лозим.

Шундай қилиб, таълим хизматларининг сифати уларнинг бозорда рақобатбардошлигини таъминловчи етакчи омилдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, таълим хизматларини кўрсатиш жараёнининг ҳукуқий, ташкилий ва моддий жиҳатдан етарли даражада ташкил этилиши кадрлар тайёрлаш сифатини оширишни таъминлашнинг асоси бўлиб ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан таълим хизматларини ривожлантириш учун таълим хизматлари сифатини ошириш қуйидаги муаммоларни ҳал этишни талаб қилади:

- таълим тизимида профессор-ўқитувчиларнинг мақомини ва моддий манфаатдорлигини ошириш;
- ўқитувчиларни қайта ўқитиш тизими самарадорлигини ошириш асосида янги педагогик технологияларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилишини таъминлаш;

- таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқишни таъминлаш;

- таълим тизимини ахборот билан таъминлашни қўллаб-қувватлаш ва ахборотлар билан таъминлаш технологияларини амалиётда қўллаш ва улардан тўлиқ фойдаланиш;

- таълим муассасалари автономлигини уларнинг ҳуқуқлар доирасини кенгайтириш орқали таъминлаш.

Маълумки мамлакатимизда кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат:

- шахс кадрлар тайёрлаш тизимининг бош субъекти ва объекти, таълим соҳасидаги хизматларнинг истеъмолчиси ва уларни амалга оширувчиси, давлат ва жамият, таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи;

- узлуксиз таълим-малакали рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг асоси бўлиб, таълимнинг барча турларини, давлат таълим стандартларини, кадрлар тайёрлаш тизими тузилмасини ва унинг фаолият кўрсатиш муҳитини ўз ичига олади;

- фан-юқори малакали мутахассислар тайёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот технологияларини ишлаб чиқувчи;

- ишлаб чиқариш, кадрларга бўлган эҳтиёжни, шунингдек уларнинг тайёргарлик сифати ва савиясига нисбатан қўлланилган талабларни белгиловчи асосий буюртмачи, кадрлар тайёрлаш тизимини молия ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш жараёнининг қатнашчиси.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларида таълим хизматларини ривожлантириш мақсадида оптик-толали алоқага эга бўлган интернет хизматлари ташкил этилмоқда. Улар «ZiyoNET» миллий таълим тармоғи ҳамда юқори тезлик билан ишлайдиган интернетга уланган. Ишга туширилган ягона ахборот-кутубхона тизимига 300 мингдан ортиқ дарслик, қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларига доир библиографик маълумотлар

киритилган. Олий ўқув юртларида таълим хизматларини ривожлантириш мақсадида 2013-2016 йилларда ушбу базани 30 мингдан ортиқ электрон дарслик ва китоблар билан тўлдириш режалаштирилмоқда.

Таълим хизматлари кўрсатишда республикада 65 та олий ўқув юрти, жумладан, 59 та олий таълим муассасаси, Халқаро Вестминстер университети, Россиянинг Г.Плеханов номидаги давлат иқтисодиёт университети, М.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, И. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети, Турин политехника университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти филиаллари фаолият юритмоқда.

3.3.1-жадвал

2013-2014 йилларда Самарқанд вилоятида жойлашган олий таълим муассасаларида таълим хизматларидан фойдаланувчилар сони

№	Кўрсаткичлар	ўлчов бирлиги	2013 йил	2014 йил	2013 йилни 2014 га нисбатан ўсиши %	Самарқанд вилояти олий ўқув юртлари- да таълим хизмат- ларидан фойдала- нувчилар сони
Олий таълим муассасалари						
	Олийгохлар сони	Бирлик	7	7		
	улардаги жами ўқитувчилар сони	Киши	2548	2394		
	улардаги жами ўқувчилар сони	Киши	22073	21753		21913
	Шу жумладан иститутлар кесимида					
I	Сам ГУ					
	ўқитувчилар сони	Киши	949	820		
	ўқувчилар сони	Киши	7850	7343		7596
II	Сам ДЧТИ					
	ўқитувчилар сони	Киши	285	289		
	ўқувчилар сони	киши	2127	2230		2178
III	Сам ҚХИ					
	ўқитувчилар сони	Киши	245	233		

	ўқувчилар сони	Киши	3173	3190		3181
VI	Сам МИ					
	ўқитувчилар сони	Киши	523	516		
	ўқувчилар сони	Киши	2926	2965		2945
V	ТАТУ Самарқанд филиали					
	ўқитувчилар сони	Киши	77	71		
	ўқувчилар сони	Киши	1220	1120		1170
IV	Сам ГАСИ					
	ўқитувчилар сони	Киши	277	282		
	ўқувчилар сони	киши	2601	2802		2701
III	Сам ИСИ					
	ўқитувчилар сони	Киши	192	183		
	ўқувчилар сони	киши	2176	2103		2139

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики Самарқанд вилоятида жойлашган олий ўқув юртларида талабалар сони 2012-2013 ўқув йилларида жами 22073 кишини 2013-2014 йилларда 21753 кишини ташкил қилган. Самарқанд давлат унверситети 2012-2013 ўқув йилида 7850 ўқувчи талабалар сони билан олдинги ўринни эгаллаб турибди. Бу кўрсаткич 2013-2014 ўқув йилларида эса 7343 кишини ташкил этган.

Ушбу жадвалларда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб шуни башорат қилишимиз мумкинки ҳар йили бакалавр йўналишида жами та мутахасислик бўйича 21913 та талаба олий таълим хизматларидан фойдаланишлари мумкин.

3.4 Самарқанд вилоятида таълим хизматларининг ҳолати ва ривожланиш истикболлари

Ёнувчи модда билан ҳаводаги кислороднинг ўзаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва кўп миқдорда иссиқлик ажралиб чиқувчи кимёвий реакцияга ёниш дейилади.

Инсониятнинг ҳаёти ва иш жараёнида содир бўлиш эҳтимоли кўп бўлган ва катта талофат келтирадиган бахциз ҳодисалардан бири ёнғин ҳисобланади. Шунинг учун корхоналарда ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш, ёнғин содир этган ҳолларда уни ўчиришга мослашган асбобларга эга бўлиш муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари ва кодексида ёзиб қўйилган.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган хом ашёси, чиқарадиган маҳсулоти ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнғин чиқишга, портлашга ва ёнғин чиққан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнғиннинг асоратига асосланган ҳолда ёнғинга ва портлашга хавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнғин хавфи биринчи навбатда, у ёерда ишлатилаётган хом ашёнинг ва чиқарилаётган маҳсулотнинг ёнғинга хавфлилик даражаси билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам корхоналарни категорияларга ажратганда ишлатилаётган моддаларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳисобга олинади.

Корхоналарда ёнғинга қарши кураш ишларини шу корхоналарнинг ёнғинга хавфлилик даражасига қараб, корхона маъмурияти белгилайди. Агар корхонада ёнғин хавфи бўлса, унда ёнғинга қарши кураш бўлими ташкил қилинади. Бундай бўлим ўзининг махсус ёнғинга қарши кураш командаларини ташкил қилади.

Ҳозирги вақтда давлат ёнғинга қарши кураш назоратини Ички ишлар вазирлигининг ёнғиндан муҳофаза қилиш бош бошқармаси амалга оширади. Унинг асосий вазифаси корхоналарда ёнғин ва портлашга олиб келадиган сабабларни йўқотишга қаратилган ташкилий ва техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширишдан иборатдир.

Қабул қилинган технологик лойиҳалашнинг амалдаги меъёрларига биноан барча ишлаб чиқариш корхоналари технологик жараёнларнинг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича беш тоифага бўлинади (А, Б, В, Г ва Д).

«А» ҳамда «Б» тоифалар портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд корхоналардир.

«В» тоифасига фақат ёнғин хавфи мавжуд корхоналар киради. Улар «А» ва «Б» тоифаларида учрамайдиган ёнувчи суюқлик, чанг ва толалар, қаттиқ ёнувчи модда ҳамда материаллар мавжудлиги билан ҳарактерланади.

«Г» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материалларни иссиқ, чўлланган ёки эриган ҳолда ишлайдиган, иш жараёнида нурсимон иссиқлик ажраладиган учқун, аланга чиқиб турадиган, шунингдек, қаттиқ, суюқ ва газсимон ёқилғи ёқиладиган сеҳлар киради. «Д» тоифага ёнмайдиган моддалар ва материаллар совуқ ҳолатида ишлатиладиган сеҳлар киради.

Ёнғин саноат корхоналари, халқ хўжалигининг барча тармоқларида юз бериб, йетказадиган зарари жиҳатидан табиий офатларга тенглашиши мумкин бўлган ҳодиса ҳисобланади. Улар катта моддий зарар келтириши билан бирга оғир бахциз ҳодисаларга - заҳарланиш, куйиш ҳамда кишилар ҳалокатига сабаб бўлиши мумкин.

Ёнғинга қарши кураш ишлари давлат миқёсида амалга оширилади. Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, унинг ривожланиб, тарқалиб кетмаслиги чора-тадбирларини олдиндан кўриш, унга қарши самарали кураш олиб бориш ёнғинни ўчиришда қўлланиладиган бирламчи воситалардан тўғри фойдаланишга қаратилган.

Корхонани лойиҳалашда, куришда, технологик жараёни амалга оширишда эътиборга олинадиган ёнғин хавфсизлиги чора тадбирлари

келажакда ёнгиннинг олдини олиш ва ундан огоҳлантиришда муҳим ҳисобланади.

Ёнгин хавфсизлиги қоида-талабларининг бузилиши, технологик жараённинг режимга тўғри келмаслиги, электротехник асбоб-ускуналарнинг носозлиги, улардан фойдаланиш қоидасининг бузилиши саноат корхоналарида ёнгин, портлаш бўлишига олиб келади.

Ёнгин содир бўлиши асосан техника хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши, корхона ва сеҳ маъмурияти томонидан камчиликларга йўл қўйилиши билан боғлиқ. Ишлаб чиқариш корхоналарида мавжуд бўлган сабаблар, бериладиган ёки қўйиладиган компонентлар таркиби ва тезлигининг ўзгариши, аралаштирилмаслиги, ускунага бегона модда тушиб қолиши, хом-ашё таркибининг ўзгариши, газ, буғларни йўқотиш усулининг бузилиши ва бошқа ҳолатлар аварияга, портлашга олиб келади.

Технологик жараёнларда ёнгин хавфсизлигини таъминлашда қуйидаги умумий тадбирлар амалга оширилади:

- 1) хавфли технологик усулларни хавфсиз турига алмаштириш;
- 2) ускуна-мосламаларни тусикланган ҳолатда жойлаштириш;
- 3) корхона биноларидаги қўлланадиган ёнувчи ва портлашга хавфли моддаларнинг миқдорини камайтириш;
- 4) ускуна, газ қувурларида, ҳаво алмаштириш тизимида ёнувчи моддаларнинг портлашга хавфли концентратияси ҳосил бўлишига йўл қўймаслик;
- 5) ёнувчи аралашмаларга ингибиторлар, инерт моддалар қушиш;
- 6) ёнгин алангаланадиган моддаларни сақлашда, улар билан ишлашда инерт мухитини яратиш;
- 7) ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаш, узлуксизлигини таъминлаш;
- 8) технологик ускуна ва коммуникацияларнинг герметиклигини таъминлаш ва жараёнда вакуум қўллаш;
- 9) белгиланган технологик режимни аниқ бажариш,

стандартларга амал килиш;

10) технологик ускуналарни таъмирлаш, тузатишдан сўнг ва ишга туширишдан аввал сув буғи ёки инерт газ билан ишлаш;

11) хавфли жойларда ўт манбаининг пайдо бўлишига йўл қўймаслик;

12) ёнғин ва портлашнинг тарқалишига йўл қўймаслик;

13) кўрик, синов, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишларини ўз вақтида олиб бориш, касб эгалари, мутахассисларни талабга мувофиқ танлаш.

Хизмат кўрсатиш соҳасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари бино ва иншоотларида ёнғинни ўчириш учун сув, сув буғи, кўпик, инерт газлар, кукунлар, сиқилган ҳаво ва қаттиқ моддалар кенг қўлланилади. Ўт ўчириш моддалари электр ўтказиш ва электр ўтказмаслик хоссаларига эга бўлади. Шунингдек, зарарли кам заҳарли ва заҳарсиз турларига булинади.

ХУЛОСА

Таълим тизимида таълим хизматларини ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш бир томондан, мазкур тизимни бошқаришнинг илғор, жаҳон тажрибасида кўп синалган усуллари қўлланишига боғлиқ бўлса, бошқа томондан, таълим хизматлари ўзгаришларига ҳамда таълим тизимидаги профессор-ўқитувчилари педагогик малакаси ва илмий-услубий салоҳиятини узлуксиз ошириб боришга чамбарчас боғланган.

Кадрларнинг касбий савия ва малакаси ҳамда илмий-педагогик салоҳиятини юксалтириш эса, малака ошириш тизимининг илғор моддий-техник базасини яратишни тақозо этади. Шу маънода муаммонинг муваффақиятли ечими, таълим тизимида малака ошириш таълим хизматини жаҳон тажрибаси асосида моддий-техник ва интеллектуал жиҳатдан такомиллаштириш масалалари мазкур тизимнинг илғор ривожланиш стратегиясига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Маълумки, кадрлар билими ва малакаси янада яхшиланишига нисбатан қўйиладиган талаблар бугунги давр ва истиқболдаги эҳтиёжлардан келиб чиқиши керак. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганларидек, «Қисқача айтганда, биз ўз олдимизга қўйган узок муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир»¹².

¹² Каримов И.А. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси». //Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки таълим хизматлари деганда инсоннинг, давлат, жамият ва бошқа билим олиш истагидаги субъектларнинг билимга бўлган, узоқ муддатга мўлжалланган эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, наф келтириладиган хизмат жараёни билан боғлиқ билим эгаларининг онгли фаолияти тури тушунилади.

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосалар олинди:

1. Таълим хизматларини ривожланиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг етакчи омили бўлган «инсон капитали»нинг шаклланиши, натижада ишчи кучининг сифати ва рақобатбардошлигини таъминлаб меҳнат унумдорлигига, пировардида эса юқори суръатлардаги иқтисодий ўсишга эришишни таъминлайди;

2. Мулкий муносабатлардаги ўзига хослик, таълим хизматлари объектининг бошқа йўналишларига нисбатан фарқланиши, таълим хизматларининг индивидуал тавсифга эгаллиги ва уларнинг натижаларини аниқ баҳолашнинг қийинлиги таълим хизматлари иқтисодий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятларини ташкил этади.

3. Таълим хизматларининг моҳиятини очиб беришда унга кенг ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Кенг маънода таълим хизматлари унинг субъектлари ўртасида таълим хизматларини кўрсатиш жараёнини такомиллаштириш ва таълим хизматларининг меҳнат бозори билан алоқаларини мувофиқлаштириш бўйича вужудга келувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир.

4. Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантириш борасида ўз ечимини кутаётган муаммолар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин: таълим хизматларини кўрсатиш сифатини ошириш; таълим хизматларини кўрсатиш инфратузилмасини мустаҳкамлаш; таълим тизимини молиялаштиришни такомиллаштириш; молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлаш; таълим муассасаларининг эркинлигини ошириш.

5. Таълим тизимини такомиллаштиришнинг ижтимоий-иқтисодий мақсади, бир тарафдан, таълим даражасини ошириш йўли билан аҳоли саводхонлиги ва касбий тайёргарлик даражасини ошириш учун шароит яратиш, иккинчи тарафдан эса, таълим тизимининг миллий иқтисодиётни ривожлантиришга таъсирини кучайтириш орқали иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлигини оширишни таъминлашдан иборат.

6. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим тизимининг миллий иқтисодиётга таъсирини акс эттирувчи кўрсаткичларининг таҳлилини кучайтириш лозим. Бунинг асосий сабаби мустақиллик йилларида таълим соҳасида туб ислохотлар амалга оширилаётганлиги ва бу жараён ижобий натижалар бераётганлигидадир. Бироқ, миллий иқтисодиётнинг ривожланишига таълим тизимининг таъсирини кучайтириш, ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш вазифаси ўзининг долзарблигини сақлаб қолмоқда.

Тадқиқот жараёнида иқтисодиётни модернизациялаш шароитида таълим хизматларини ривожлантиришга қаратилган қуйидаги **илмий тақлифлар ва амалий тавсиялар** ишлаб чиқилди:

1. Таълим узлуксизлигини таъминлаш, таълим хизматларининг сифатини ошириш мақсадида ёшларнинг мустақил ва онгли равишда касб-кор танлашга эришиш. Бунинг учун мамлакатимизда жорий этилган кадрлар тайёрлашнинг миллий модели элементлари ўртасидаги боғлиқликни кучайтириш; ўрта таълимда “меҳнат таълими” фанининг мақсадини “касб танлаш”га йўналтирилган ҳолда ижтимоий-психологик тарзда ташкил этиш.

2. Таълим хизматлари устидан давлат назоратини сақлаб қолган ҳолда таълим соҳасини бошқаришда маълум даражада номарказлаштиришга қаратилган қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир: таълим хизматлари нодавлат мулкига асосланган таълим хизматларини кўрсатувчи субъектларни вужудга келтириш; касбий таълим соҳасида таълим муассасаларини бошқаришни таълим дастурларини амалга ошириш билан боғлиқликда олиб бориш.

3. Таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликнинг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш муҳимдир: ўқувчи-талабаларнинг тайёрлаган техник лойиҳалари, бизнес режаларини синовдан ўтказишни ташкил этиш; таълим муассасаларининг кичик корхоналарга хизмат кўрсатувчи тадқиқот марказларга айланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш; таълим муассасаларида турли корхоналар ва фирмалар ходимларининг малакасини ошириш марказларини очиш ва уларнинг самарадорлигини таъминлаш.

4. Таълим хизматларининг ривожланишини таъминлаш ушбу соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш масаласи билан боғлиқ. Бу йўналишда қуйидагиларни амалга ошириш тақлиф этилади: таълим тизимини молиялаштиришда рақобат ва шартномага асосланган механизмларга ўтиш; кўшимча ҳақ тўлашга асосланган хизматларни кўрсатишни кенг йўлга қўйиш; таълим муассасаларининг иқтисодий автономлиги томойилини рўёбга чиқариш, кўпканалли молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш; бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш ва молиявий муносабатларда ошкораликни таъминлаш; таълим соҳасининг инвестицион жозибадорлигини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т.: “Иқтисодиёт ҳуқуқ дунёси”, 2010.
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрир). –Т.: Адолат, 1998.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари ва қарорлари

2.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 5-сон.

2.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.01.2009 йилдаги 1045-сонли “Инқирозга қарши дастур ва бошқа қўшимча чоралар тўғрисида”ги Қарори. “Халқ сўзи” газетаси, 2009 йил 23 январь.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

2.5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Баркамол авлод йили» Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь.

2.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни

рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

2.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини кучга киритиш тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1046-сон.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

3.1. Ишга жойлашишга мухтож меҳнат билан банд бўлмаган аҳолини ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш тўғрисида. №106. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга оид меъёрий ва услубий ҳужжатлар тўплами. Т.: “Меҳнат”, 2010 йил, 72-бет.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Низоми.. “Халқ сўзи” газетаси, 11.01.2014йил.

3.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 9 апрелдаги 104-сонли Қарори. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2013 йил 15-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1.1. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: “Ўзбекистон”, 2009.

1.2. И.А.Каримов. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. – Т.: Ўзбекистон, 2009.

1.3. И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч.– Т.: “Ma’naviyat”, 2008.

1.4. И.А.Каримов. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005.

1.5. Баркамол авлод орзуси // Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Х.Саидов, Р.Аҳлиддинов. – Тўлдирилган 2– наشري. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2000.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг маърузалари

2.1. И.А.Каримов. Асосий вазифамиз - ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2010 йил 30 январь, №21 (4936).

2.2. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь, №19 (4934).

2.3. И.А.Каримов. Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганини 17 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2009 йил 6 декабрь, № 237 (4900).

Президент Фармонлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, турли дастурлар, йўриқнома ва бошқа меъёрий ҳужжатлар

1. “2005-2006 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида”ги Қарор 2005 йил 14 март.

2. “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 14 июн.

3. “Тадбиркорлик субъектларини юридик ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 14 июн.

4. “Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида”ги Қарори. 2005 йил 15 июн.

5. “Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 20 июн.

6. “Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони. 2005 йил 21 июл.

7. “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида”ги Қарори. 2006 йил 24 май.

8. “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 10 январь.

9. Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. 2009 йил 15 май.

10. “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 4 апрель.

11. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони. 2011 йил 24 август.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Абдурахманов Қ.Ж. Меҳнат иқтисодиёти (назария ва амалиёт): Дарслик. –Токшент: Меҳнат, 2004. -670 б.
2. Абдуғаниев А., Толаметова З. Ўзбекистоннинг меҳнат салоҳияти. Т.: «Меҳнат», 1998. 96 б.
3. Актуальные проблемы Европы. Занятость и безработица в Западной Европе: Сборник научных трудов РАН ИНИОН; Центр научн-информ. исслед. Глобальных и региональных пробл.; Отд. Зап. Европы и Америки; Бўлов В.Г. (отв. ред.). – М., 2002. –204 с. – (Актуальные проблемы Европы; Европа.ХХІ век. /Редкол.: Пархалина Т.Г.(гл. ред.) и др. ISSN № 235-5626; 2002,№ 3).
4. Абдурахмонов Қ.Х.таҳрири остида. –Т.:Инсон тараққиёти. Дарслик. и.ф.д., проф. “Fan va texnologiya”, 2013.
5. Абдукаримов Б.А. ва бошқалар. Корхона иқтисодиёти. Дарслик. – Т.: “Fan”, 2005. – 288 б.
6. Абдуллаев Ё.А., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. (1-қисм) – “Меҳнат”, 2000. – 352 б.
7. Анализ экономики. Страна, рынок, фирма. Под ред. Проф. В.Е.Рыбалкина. Учебник. – М.: Международные отношения, 1999. – 304 с.
8. Абдуллаев А., Муфтайдинов Қ., Айбешов Х. Кичик бизнесни бошқариш. – “Молия”, 2003. – 191 б.
9. Абдуллаев А., Сотволдиев А., Ўринбоев И, Абдуллаев С. ва бошқалар. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. – Т: “Фан ва технология”, 2005. - 243 б.
10. Жалолов Ж.Ж. ва б. Хорижий мамлакатлар бозор иқтисодиёти моделлари. – Т.: ТДИУ, 1994. – 184 б

11. Жумаев Н.Х. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб – оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. Рисола. – Т.: ЖИДУ, 2009. – 56 б.
12. Зайнутдинов Ш.Н., Кадирходжаева Н.Р. Бозор назарияси. Дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. – 319 б.
13. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза. “Ўзбекистон”, 1996, 1997, 1998, 1999. 2000, 2001, 2002, 2003, 2004, 2005, 2006, 2007.
14. Исроилов Ж.И. Тадбиркорлик субъектларида товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни таҳлил қилиш усуллари. (Услубий тавсия). –Самарқанд. СВТИЧТП, 2004.- 38 бет.
15. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. “Ўқитувчи”, 2003.- 139 б.
16. Мирзаев Қ.Ж., Мусаев Б. Кичик бизнесни бошқариш. Самарқанд. 2008. – 137 б.
17. Раицкий К.А. Экономика предприятия. Учебник.- М.: ИВЦ “Маркетинг”. 2003. - 683 с.
18. Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари. Дарслик. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 484 б.
19. Сариков Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. (Ўқув қўлланма). – Т.: “Шарқ”, 1997. – 240 б.
20. Пардаев М.Қ. Корхонанинг иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш усуллари. - Самарқанд, СамКИ, 1997. - 20 бет.
21. Пардаев М.Қ. Исроилов Б.И. Молиявий таҳлил. Т.: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашр уйи, 1999. - 346 бет.
22. Пардаев М.Қ., Абдукаримов И.Т., Исроилов Б.И. Корхонанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2003.- 256 бет.

23. Пардаев М.Қ ва бошқалар. Бошқарув таҳлили. Ўқув қўлланма. Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2005.- 328 бет.

24. Пардаев М.Қ., Исроилов Ж.И. Хусусий корхоналар фаолияти таҳлилининг назарий ва методологик муаммолари, (Монография), Т: “Фан ва технология”, 2007.-163 б.

25. Усмонов А.С. Научные основы регулируемых рыночных отношений. – Тошкент: PLSHTLI“Ўзинфорагпром”. 1992. – 160 с.

26. Ходиев Б.Ю., Беркинов Б., Кравченко А. Бизнес қийматини баҳолаш. Т.: - “Иқтисод-молия”.- 2007.- 254 б.

27. Ходиев Б.Ю. ва б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2009. – 120 б.

28. Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: “Прогресс”, 1948.- 240 с.

29. Экономика предприятия. Пер. с нем. – М.: ИНФРА - М,1999. -928с.

30. Эргашев Ш. ва б. Жаҳон мамлакатлари. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 384б.

31. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. // “Меҳнат”, 1997 - 192 б.

32. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: “Меҳнат”, 1996.

33. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002.-365 б.

34. Қосимова М.С., Ходиев Б.Ю., Самадов А.Н., Мухитдинова У.С. Кичик бизнесни бошқариш. –Т: “Ўқитувчи”, 2003. - 239 б.

35. Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. Сервис ривож – аҳолининг бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш омили. Рисола. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 28 б.

36. Қудратов Ғ.Ҳ., Мирзаев Ҳ.Ж., Пардаев М.Қ. Агросервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. Рисола. –Т.: “Fan va texnologiya”, 2007. – 16 б.

37. Султонов Ш.А. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. Рисола. – Т.: “Молия”, 2009.- 32 б.

Статистика тўпламлари маълумотлари

1. Самарканд вилояти статистика бошкармаси маълумотлари.
2. Самарканд вилояти иқтисодиёт бошкармаси маълумотлари.
3. “Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида меҳнат бозори ва аҳоли меҳнат миграциясини тартибга солиш” мавзусидаги илмий-амалий анжуман тезислари тўплами. –Т.: ТДИУ, 2007. 176 б.

Диссертация ва диссертация авторефератлари

1. Аминов З.Ю. Хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2009. - 26 б
2. Очилов И.С. Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарида самарадорликни ошириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2010.- 24б.
3. Суюнов Д.Х. Кичик ва ўрта бизнес субъектларида бошқарувни ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш йўналишлари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси, 2004. – 23 б.

Журналлардаги мақолаларга ҳаволалар

1. Абдукаримов Б.А., Шарипов Т.С. Хизмат соҳаси ва сервис корхоналари учун иқтисодчи мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш масалалари // Сервис. – Самарқанд, 2009. № 1. – Б. 122-127.

2. Султонов Ш.А. Тадбиркорлик ва бандлик. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2010. № 5. – Б. 37.

3. Батирова Л.Ш. Самарқанд вилоятида аҳоли бандлигини ошириш ва фаровонлини юксалтириш усуллари. (Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари мисолида) // Сервис журналы.

Интернет сайтлари

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати расмий веб сайти www.gov.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб сайти, www.stat.uz
3. Ўзбекистон Ахборот Агентлиги веб сайти, www.uza.uz
4. www.4p.com.ua/books/4.html
5. www.classis.ru/pages/classis/6/48/
6. www.finansy.ru/publ/mark/
7. www.samarqand.uz